

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

**Кўлёзма ҳуқуқида
УДК 378.0**

МАМАДАЛИЕВА ЛОБАРХОН АМИНОВНА

**“ЁШЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ВА ИЖОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ
ОШИРИШДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ
ЎРНИ”**

5А151701 – Маданият ва санъат соҳаси менежменти

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

соц.ф.д., проф А.А.Умаров

ТОШКЕНТ-2014

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I. ШАХС ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНИШИНинг НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ.	
1.1. “Нодавлат нотижорат ташкилотлар” тушунчаси, таснифи.....	10
1.2. Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ривожланиш bosқичлари ва хуқуқий асосларининг яратилиши.....	26
II. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ МАСАЛАСИНинг ҚЎЙИЛИШИ.	
2.1 Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишига яратилган шарт-шароитлар таҳлили.....	46
2.3. Ёшлар тарбиясида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни.....	54
III. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЁШЛАРНИ БАРКАМОЛ АВЛОД СИФАТИДА ТАРБИЯЛАШГА ҚЎШАЁТГАН ҲИССАСАСИ.	
3.1. Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан дастурлар ишлаб чиқилиши.....	68
3.2. Нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан ёшларни рағбарлантириш масаласининг кун тартибига қўйилиши.....	74
Хулоса.....	84
ИЛОВА.....	85
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	87

КИРИШ

Мавзунинг долзарбилиги. XXI аср – янги минг йилликнинг бошланиши ёшлар тарбиясига катта масъулият билан қарашни тақозо этмоқда. Ёшларнинг ҳозирги шароитда фан ва техника ютуқларидан баҳраманд бўлаётганлиги, жамиятда тинчлик ва тотувликнинг барқарорлиги уларнинг ўз билимларини янада бойитиш, бутун куч-қудратини эзгу ишларга сафарбар этишга имконият яратмоқда. Шунга кўра, истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда ёшларнинг барча имкониятларини рўёбга чиқариш устида катта ишлар олиб борилмоқда. Чунки ҳар бир давлатнинг тақдири, албатта ёшларнинг қандай камол топганлигига боғлик. Ёшларнинг эл-юрт тақдири учун курашиши, илмий салоҳияти, меҳнат фаолияти, кенг дунёқарашининг шаклланишида таълим-тарбиянинг ўрни бениҳоя каттадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида тарбиянинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини яна бир марта таъкидлаб ўтди: “Бу ҳақда фикр юритганда, мен Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир», деган чуқур маъноли сўзларини эслайман. Буюк маърифат-парвар бобомизнинг бу сўзлари асrimiz бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади”¹.

Бу, ўз навбатида, таълим муассасаларида таълим ва тарбияни уйғунликда амалга ошириш, ёшларни замонавий билимлар билан қуроллантириш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, маданий савиясини замон талаби даражасига қўтариш, ёшлар истеъодини юзага чиқаришни тақозо этади. Чунки, ҳозирги даврда жамият янгиланмоқда. Ана шу ўзгаришлар, янгиланишлар жамиятда яшовчи ҳар бир ёшнинг янги

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 64-б.

ижтимоий-иктисодий шароитларда барча имкониятларини ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда, шу жамиятда яшовчи шахсни тарбиялаш йўлларини излаб топишга йўллайди. Бугунги кунда таълимнинг мақсади ана шу ўзгаришлар, янгиланишлар шароитида мустақил ҳолда ўзига тўғри йўл топа оладиган эркин, ижодкор шахсни – баркамол ёшларни тарбиялашдан иборатдир.

2008 йилнинг “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши ҳам ёшлар тарбиясига, уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига катта эътибор берилаётганининг ёрқин ифодаси бўлди.

Хозирги даврда жаҳонда юз бераётган муаммолар: ОИТС офати, диний экстремизм ва дунё бўйича юз бераётган экологик таназзул, гиёхвандлик билан боғлиқ муаммолар, урушлар ва можаролар ёшлар тарбиясида салбий оқибатларга олиб келмоқда. Бундай иллатларнинг олдини олиш учун ёшларни маънавий-ахлоқий қадриятлар асосида тарбиялаш катта аҳамият касб этади.

Маънавий тарбиянинг муҳим омиллари ҳақида фикр юритар экан, И.А.Каримов: “Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятлардан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қиласди”² -дейди.

Ҳақиқатан ҳам ёшлар тарбиясини миллий қадриятлар билан уйғун ҳолда олиб бориш – тарбиявий ишларнинг самарадорлигини таъминлайди.

Уйғунлик – бу маънавий-ахлоқий қадриятларнинг, тарбиянинг мақбул шакл, метод ва воситалари, усуллари билан ўзаро бир-бирига боғлиқлигидир.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 29-30-б.

Таълим-тарбия олдига қўйилган муҳим мақсад ҳам умуминсоний ва миллий қадриятларга таянган ҳолда таълим-тарбия мазмунини инсонпарварлик тамойиллари асосида ташкил этишдан иборат. Шу асосда унинг узвийлиги, изчиллиги, илмийлиги ва дунёвийлиги асосида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни назарда тутади. Маънавий-ахлоқий қадриятлар инсонларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида ақл-заковат билан яратилган, уларнинг тасаввури, тафаккури, келгуси орзу-истаклари, эътиқоди, ахлоқ қоидаларини ўзида мужассам этган, амалий ҳаётда сайқал топган маънавий бойлик бўлиб, тарбиянинг таянч воситаси ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда маънавий-ахлоқий қадриятлар тарихий босқичга эга бўлиб, ҳаёт синовларидан ўтган, авлоддан-авлодга ўтиб, ижтимоий тараққиётга хизмат қилувчи ижтимоий ҳодисадир. Шунингдек, у жамият ривожининг негизи, халқнинг тарихий тараққиётида эришилган барча ютуқларни ифодаловчи ва сақловчи қудратли омилдир.

Таълим-тарбияда фақат таълим муассасаларигина эмас, балки ташки таълим муассасалари, оила, маҳалла, жамоат жойлари, соғломлаштириш масканлари ва бошқа нодавлат, нотижорат ташкилотларининг ҳам ўрни бекиёс.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати республикамизда энг йирик жамоат бирлашмаси ҳисобланади ва у 4,5 млн.дан ортиқ ёшларни қамраб олган. Буларнинг кўп қисми олий таълим муассасаларида таълим олади. Лекин ёшлар тарбиясида қатор муаммолар мавжуд бўлиб, булар:

– ёшларни иштимоий ҳаётда фаол иштирок эттириш ва уларнинг турмуш шароитини яхшилаш борасида меҳнат, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика “Маънавият-тарғибот”

маркази, “Соғлом авлод учун”, Республика оила марказлари, маҳаллий ҳокимиятлар фаолиятининг уйғунлаштирилмаганлиги;

– ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш, хуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-хуқуқий базанинг такомиллаштирилмаётгани;

– ёшларнинг сиёсий, хуқуқий, ахлоқий эстетик, экологик маданиятини шакллантириш учун тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида ахборот технологияларини қўллаш орқали инсон қадр-қимматини юқори қўювчи ўзаро муносабатлар маданиятини қарор топтириш суст кетаётгани, ҳар қандай муаммони ҳал этишдан олдин у келиб чиқсан вазиятни ўрганиш, одамлар билан ҳамфирлилик маданиятига эга бўлиш, ҳар бир ёшнинг ўзига ишонч туйғусини уйғотиш масалаларига кам эътибор берилаётгани;

– ёшлар тарбиясига доир илмий тадқиқот ишларининг кўламини кенгайтириш мақсадида уларда мустаҳкам мафкуравий эътиқодни шакллантириш, жамият тараққиётига тўсиқ бўлаётган диний ақидапарастлик, экстремизм, терроризм каби иллатларга қарши тарғибот ишлари талаб даражасида эмаслиги;

– ҳаётимизда сақланиб қолаётган ёмон иллатлар; майший бузуқлик, лоқайдлик, боқимандалик, порахўрлик, зўравонлик, маҳаллийчилик, қариндош-уругчилик каби ахлоққа зид ҳолатларга муросасизликни шакллантиришнинг илғор технологиялар асосида шакл ва методларини ишлаб чиқиш қониқарли ҳолатда эмаслиги;

– ёшларнинг бандлик даражасини яхшилаш мақсадида ахборот-тарғибот ишлари самарадорлиги ҳозирги давр талабларига жавоб берга олмаётганлиги кабилардан иборатdir.

Шу жиҳатдан ёшларни интеллектал салоҳиятини ошириш ва маънавий-ахлоқий қадриятлар билан уйғунлаштириш руҳида тарбиялаш муаммоси долзарблик касб этади.

Магистрлик диссертация иши мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Ўтмишдан маълумки давр талаби, инсонларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқади. Шу маънода аҳолини айниқса, ёшларни интелектуал салоҳиятини ошириш ва уларнинг маънавиятини юксалтириш масалалари ҳар бир даврда гоҳ ошкора, гоҳ яширин бўлсада ўзига хос аҳамият касб этган. Шунинг учун ёшларни интелектуал салоҳиятини ошириш жараёнидан мамлакатда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг назарий ва амалий ишларини ўрганиш муҳим масалалардан биридир.

Мамлакатимиз ва хорижий давлатларда ёшларни маънавий аҳлоқий тарбиялашга қаратилган кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган. Айниқса ёшларни маънавий-аҳлоқий тарбиялаш ва бу борада миллий ҳамда умуминсоний қадриятларнинг ўрни, ўқувчилар маънавий маданиятини шакллантириш, комил инсон тарбияси муаммолари бўйича О.Мусурмонова, С.Нишонова, У.Махкамов, М.Қуронов, Н.Ортиқов ва бошқалар томонидан тадқиқ этилди.

Қ.Қуронбоев талабаларнинг маънавий-ижтимоий фаолликларини ривожлантиришнинг педагогик асослари³, Б.Мирзаолимов ёшлар онгида миллий ғояни шакллантириш муаммоларини «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мисолида тадқиқ этганлар⁴.

Аммо, мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш масаласига қаратилган тадқиқот ишлари амалга оширилмаган.

Тадқиқот мақсади: олий педагогик таълим муассасалари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошлангич ташкилотларида тарбиявий ишлар мазмунини маънавий-аҳлоқий қадриятлар билан уйғунлаштиришнинг илмий-

³ Қуронбоев Қ.Қ. Талабаларнинг маънавий-ижтимоий фаолликларини ривожлантиришнинг педагогик асослари. (Ёшлар ташкилотлари мисолида). Пед.фан.номз. ёзилган диссертация. – Тошкент, 2000.

⁴ Мирзаолимов Б. Ёшлар онгида миллий ғояни шакллантириш. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008

педагогик асосларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этишга доир илмий-методик тавсияларни яратиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- Нодавлат нотижорат ташкилотининг қисқача мазмуни ва таснифи;
- Нодавлат нотижороат ташкилотларининг ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ёшлар тарбиясидаги ўрнини белгилаш;
- ёшлар интелектуал салоҳиятини оширишда нодавлат нотижороат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини ёритиш;
- ёшларнинг интелектуал салоҳиятини оширишда нодавлат нотижороат ташкилотлар учун тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот обьекти: “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Марказий Кенгашининг ёшларнинг интелектуал салоҳиятини ошириш жараёни.

Тадқиқот предмети: “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгashi ёшларнинг интелектуал салоҳиятини ошириш мазмуни, шакл ва методлари.

Тадқиқот усуллари: мавзуга оид илмий-назарий адабиётларни ўрганиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиш, таҳлил, кузатув, сўровнома, анкета, мониторинг, умумлаштириш.

Тадқиқотга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, илғор илмий-педагогик, ижтимоий-психологик, тарихий-фалсафий манбалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари **методологик асос вазифасини ўтади.**

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги:

1. Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятида ёшлар интелектуал салоҳияти оширишнинг илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилади.

2. Ёшлар интелектуал салоҳиятини оширишнинг технологияси ишлаб чиқилади.

3. Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ҳозирги кунда ёшларнинг интелектуал салоҳиятини оширишдаги ўрнини очиш илмий янгилик сифатида олинди.

Магистрлик диссертация иши мавзусининг амалий аҳамияти.

Диссертация ишида илгари сурилган назарий фикрлар Ижтимоий фанлар “Маънавият асослари” фанларини мазмунан бойитади, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотларида тарбиявий ишлар самарадорлигини фаоллаштиради, таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар самарадорлигини янада оширади.

Тадқиқотдаги илмий-методик тавсиялар эса таълим тизимида маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунликка доир методик манба сифатида хизмат қиласида.

Шунингдек, диссертация натижаларидан маънавият соҳасида дастур, дарслиқ, методик қўлланмалар яратишида, таълим тизимида маънавий-ахлоқий ишларни ташкил этишида, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертация иши мавзусининг структураси. Мазкур магистрлик диссертация иши кириш, уч боб, олти параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ҳар бир боб ва параграфларда тузилган режага асосан магистрлик диссертация ишининг мақсад ва вазифалари илмий асосланди ва хулосалар

бериб борилди. Хулоса қисмидә эса ҳар бир ўрганилган боблар асосида умумлашмалар қилинди.

I. ШАХС ИНТЕЛЕКТАЛ РИВОЖЛАНИШИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ.

1.1. “Нодавлат нотижорат ташкилатлар” тушунчаси таснифи ва таркиби.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар дастлаб жамиятнинг ўзини-ўзи бошқариши ва уни мустақил ижтиомий бирлик сифатида яшашини таъминлаш эҳтиёжлари ва манфатлари асосида пайдо бўлди XX аср ўрталарига келиб эса нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик жамиятнинг муҳим ва асосий институтларидан бирига айланди. Шунга кўра нодавлп нотижорат ташкилатлари мазмун ва моҳиятини чукур англаш, уларнинг демократик фуқаролик жамиятининг муҳим ва асосий институтларидан бири эканлиги тўғрисидаги тушунчаларни ўрганишга эҳтиёж сезилмоқда.

Ижтиомий гуруҳларнинг энг асосийлари ва ўзаги сифатида фуқаролик жамиятида турли-туман **нодавлат нотижорат ташкилотлари** (ННТ) майдонга чикади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик фуқаролик жамиятларининг асосий институтларидан бири ҳисобланади. У жамиятнинг демократик ривожланишида қўлга киритган улкан ютуғидир. Илк одамлар пайдо булибдики, улар жамоа булиб яшашга ва ҳаёт учун курашишга кўнишишган. Фуқароларнинг ilk нодавлат бирлашмалари қадимги цивилизацияларда вужудга келган. Қадимги Юнон ва Қадимги Рим мутафаккирлари уларни белгилаш учун «шаҳар-давлат фуқароларининг ҳамжамияти» терминидан фойдаланишган бўлсада у асосан феодализм инқизозга учраб жамиятдаги сиёсий, иқтисодий, ижтиомий ҳаёт демократия ва бозор муносабатлари замирига ўта бошлагандা **Нодавлат нотижорат ташкилотларининг асл маънодаги типлари пайдо бўлади.**

Ижтиомий-фалсафий ва сиёсий қарашлар тарихида фуқаролик жамияти тушунчаси турлича талқин қилинган. Бунинг сабабини биринчидан

ҳар бир замонда ҳукм сурган ижтимоий сиёсий вазиятдан, иккинчидан эса асос сифатида, турли мезонларга мурожаат этилганидан изламоқ зарур. Қадимги даврда “фуқаролик жамияти” атамасини биринчи бор қўллаган юонон олими Арасту (мил. Ав. 384-322 йиллар) сиёсий тафаккур марказига фуқароларни қўйди, олим фуқаро деганда жамиятнинг ҳар бир аъзосини эмас, балки эркин ва озод кишиларни назарда тутган. Унинг мулоҳазаларига кўра давлат-бу фуқароларнинг йигиндиси якуний фуқаролик жамиятидир. Кўриниб турибдики Арасту “давлат” ва “фуқаролик жамияти” тушунчаларини айнан бир хил маънода ишлатади.⁵

Арастунинг ватандоши ва устози Афлотун фуқаролик жамиятини қонун устуворлиги принципи нуқтаи назаридан таҳлил этади. Унинг фикрича, фуқаролик жамиятининг асосларини қонунларнинг мажбурийлиги ташкил этиши керак. Ҳатто дин ва ахлоқ ҳам Худонинг мавжудлиги туфайли эмас, қонун эътироф этгани сабабли заруриятга айланган, дейди Афлотун. Кўриниб турибдики, Афлотун ўз шогирди Арастудан фарқли ўлароқ фуқаролик жамиятининг марказига давлатчилик ва қонунчилик институтини қўяди.⁶ Аммо уларнинг ҳар иккаласида ҳам “фуқаролик жамияти” ва “давлат” тушунчалари алоҳида ажратиб қаралмайди.

Афлотун ва Арасту назарида фуқаролик жамияти давлатнинг муайян сифат белгиси, тараққиёт даражасидир. Мазкур контсепсия Афлотун фикрича, қонунчиликнинг таъминланиши, Арастуга кўра эса, фуқаролар манфаатининг ифодаланишидир. Фалсафа ва жамиятшунослик тарихида фуқаролик жамиятига давлатнингadolat ва фаровонликни таъминлашда эришган даражаси, деб қараш янги давргача сақланиб қолган.

Конфуций жамиятнинг барқарор ишлашини ташкил этишда, давлат бошқарувида маънавият ва ахлоқнинг ўрнини юксакликка кўтаради. У

⁵Қаранг: Аристотель. Политика. Антология мировой философии. – М., 1969. Том-1, часть – 1. С.465-475

⁶Қаранг: Афлотун. қонунлар. Урфон Отажон таржимаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. Б.75-76.

шундай деб ёзган эди: “Агар давлат қонунлар ёрдамида бошқарилса, тартибот жазолашлар воситасида таъминланса, одамлар жазолашлардан ўзларини олиб қочишга интилади. Лекин улар ор-номусни ўзларида ҳис қилмайдилар; агар (маънавий-ахлоқий воситалар) ёрдамида бошқарилса, тартибот қадриятлар ёрдамида таъминланса, одамлар ор-номусни ҳис қиладилар, ҳалол ва соғдил бўладилар” Албатта, қадимги Хитой жамияти билан давлат ўртасида чегара ўтказиш қийин бўлса ҳам, Конфутсий таълимоти асосан, инсоният учун идеал жамиятни шакллантириш руҳияти билан суғорилган эди. Шунинг учун ҳам ҳозирга қадар фуқаролик жамиятини шакллантириш билан боғлиқ тадқиқотларда олимлар қайта-қайта Конфуций ижодий меросига мурожаат қилишлари бежиз эмас.

Фуқаролик жамиятининг ўз даврига хос оддий шаклдаги асослари, белгилари ва хусусиятлари Зардуштийлик таълимотида ҳам ўз ифодасини топган. “Авесто” “амалий қонунлари”нинг мақсади “барча жихатлардан ўйғун ва уюшган, гуллаб – яшнаган адолатли жамиятни яратиш”дан иборат⁷.

“Авесто”да фуқаролик жамиятига хос тўрт хусусият, унинг тўртта асосий белгиси кўрсатилган:

Биринчидан, инсонларнинг жамиятдаги ижтимоий фаоллиги; **иккинчидан**, инсон хукуқларининг устуворлиги; **учинчидан**, одамларнинг хусусий мулки; **тўртинчидан**, одамларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги фаол иштирок этиши.

“Авесто”даги фуқаролик жамиятига хос хусусиятлар ва асосий белгилар билан боғлиқ сиёсий, иқтисодий, ма’навий, хукуқий ғоялар Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда, шубҳасиз, тарихий манба сифатида хизмат қиласи.

⁷ Қаранг: “Авесто”. Тарихий- адабий ёдгорлик. –Т.: шарқ, 2001, Б. 150.

Ўрта асрларда фуқаролик жамияти хақидаги ғоялар, айниқса Шарқ алломалари томонидан кенг тарғиб этилди. Улар ўз асарларида “Фуқаролик жамияти” тушунчасини “фозил шаҳар”, “саодатли жамият” тушунчалари орқали ифодаланганлар. Хусусан, файласуф Абу Наср Форобий Шарқ фалсафасида илк бор фуқаролик жамияти (фозил шаҳар) барпо этиш учун мамлакатда адолатли бошқарувни жорий қилиш зарурлигини таъкидлайди. Мутафаккир бошқарув шакллари хусусида мулохаза юритар экан, давлатнинг ички ва ташқи функцияларини санаб ўтади. Ушбу функциялар самарадорлиги (ички – фуқаролар баҳт-саодатини таъминлаш; ташқи – шаҳарни муҳофаза этиш) бошқарувнинг оқилона ташкил этилишига бориб тақалади. Форобий бундай бошқарув шаклларига яккахокимлик, кичик гурӯҳ томонидан мамлакатнинг бошқарилиши ва ҳалқ томонидан сайланган хукмдор хокимиятини киритади. Оқилона сиёсатгина инсоннинг жамиятдаги хуқуқ ва маъсулиятини кучайтиради, деб хисоблайди⁸.

Форобий орзу қилган фозил ва адолатли жамоанинг жоҳил жамоаларидан фарқи шундаки, унда одамлар энг гўзал ва яхши мақсадларга ҳамда умумий манфаатларга эришиш йўлида бир-бирларига яқиндан ёрдам берадилар. Кўриниб турибдики, Форобий фозил жамоа қуриш учун инсонларнинг маънавий юксалиши, фуқаровий фазилатларга эга бўлиши талабларини илгари суради.

Форобий X асрнинг бошларидаёқ адолатли фуқаролик жамиятининг содда ва оддий модели лойиҳасини қуйидагича таърифлаган: “Маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг ахолисидан бўлган хар бир одам касб – хунарда озод, хамма баробар бўлади, хар ким ўзи истаган ёки танлаган касб – хунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар. Бири иккинчисига хўжайин бўлмайди. Одамларнинг тинчлик ва эркинликларига

⁸ Қаранг Фаробий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Т.: Ҳалқ мероси, 1993. Б. 159-161.

халақит берувчи султон (яни, подшох) бўлмайди. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади”⁹.

Кўриниб турибдики, мутафаккир илгари сурган “маданий жамият”нинг асосий белгиси фуқаролик жамиятининг энг асосий унсурларидан бири – инсон эркинлиги бўлганлиги билан хам ахамиятлидир. Шу билан бирга, “маданий жамият” ва “маданий шаҳар” (бунда “шаҳар” давлат маъносида ишлатилмоқда) халқнинг эркин равишда ўзлари хоҳлаган касб- ҳунар билан шуғулдана олиш ҳукуқларига эга бўлиши фуқаролик жамиятининг муҳим унсурларидан биридир.

Маълумки, фуқаролик жамиятнинг муҳим институтларидан бири – фуқароларнинг эркинлик ҳуқуки асосида ўтказиладиган сайловлардир. Сайловлар даврида фуқаролар ўз хоҳиши – иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва муҳофаза қилишда ҳақиқий шарт – шароит, ҳуқуқий заминга эга бўладилар. Бу каби жамиятда инсон ҳукуклари ва эркинликлари ҳар томонлама ҳимоя қилинади.

Ҳозирги давр вакиллик демократиясининг ана шу муҳим унсури ҳам Форобий эътиборидан четда қолмаган. Мутафаккир шундай деб ёзган: “Уларнинг ўзларидан (“фуқаролардан”) сайланган раҳбар ёки бошқалар ҳокими мутлоқ бўлмайди. Улар одамлар ичидан қўтарилиган, синалган, энг олий жаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озодликка чиқарадилар, уларни ташқи душмандан муҳофаза қиласилар. Бундай раҳбарлар ҳаммага баробар муносабатда бўлади, ҳатто ҳамманинг манфаатини ўзларининг манфаатларидан ортиқ кўрадилар, умумнинг манфаати учун ўзларининг

⁹ Қаранг Фаробий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Т.: Халқ мероси, 1993. Б. 190

шахсий манфаатларидан воз кечадилар, халқ манфаати учун ўзларидаги куч – гайрат ва бойликларини аямайдилар”¹⁰.

“Сиёсатнома” (“Сияр ул-мулк”) асари муаллифи Низомулмулк (1017 – 1092 йиллар) фуқаролик жамиятининг асосини ижтимоий тараққиёт ва ахлоқий қадриятлар билан боғлайди. У асарида одил ва инсофли ҳукмдор, доно ва муруватли, пок ва ҳалол бўлган, мамлакат ободлиги, фуқаролар фаровонлиги, тинч-тотувлиги тъминланган, қатъий тартиб-қоида асосида оқилона бошқариладиган мамлакатни баҳт-саодатли жамият деб айтади¹¹.

Адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда давлат бошлиғининг роли ва аҳамияти тўғрисида Алишер Навоий асарларидаги фуқаролар подшоларнинг адолатпеша, ахлоқан пок бўлиши зарурлиги билан боғлик қарашлар уйғунлаштирилган. Навоий “Садди Искандарий” достонида “Ақл заковоти қуёшдек мунаввар, адолат бобида Наврӯз фаслидек, сиёсат бобида эса жаҳонни куйдирадиган яшиндек, машаққатли кезларда душманга чора қилувчи, оғир кунларда ҳалққа кўмак берадиган адолатпеша бир зотни ҳукмдор қилинг, ана шундай кишигини тождор бўлишга лойик”¹², деб таъкидлайди.

Ғарбда гуманизм ғоялари кенг тарғиб қилинган XIV- XVI асрларда шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг мохияти тубдан ўзгаради. Инсонпарварлик ғояларининг мазмуни ва амалий йўналиши фуқаролик жамиятини барпо этиш харакати билан боғланади. Бу борадаги қизғин мулоҳазалар фуқаролик жамияти масаласига оид уч асосий илмий концепсиянинг юзага келишига сабаб бўлади.

Уйғониш даврида вужудга келган биринчи концепсия тарафдорлари (Н.Макиавелли, Ж.Боден, Г.Гросий) фуқаролик жамиятини шакллантириш

¹⁰ Қаранг Фаробий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Т.: Халқ мероси, 1993. Б. 159-161

¹¹ Қаранг Фаробий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Т.: Халқ мероси, 1993. Б. 159

¹² Қаранг: Навоий А.Садди Искандарий. –Т.: Шарқ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1978. Б. 42.

учун марказлашган құдратли давлатни бунёд этиш ва турли ижтимоий гурухлар ва сиёсий күчларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш зарурлигини уқтирса¹³, иккинчи концепсия тарафдорлари (Т.Гоббс, Ж.Локк, Ж.Руссо, К.Гельвеций, П.Гольбах) фуқаролик жамиятнинг асосий мазмунини инсоннинг табиий хуқуқ ва эркинликлари билан боғлайдилар¹⁴.

“Фуқаролик жамияти” атамаси XVII асрда Европа олимлари асарларида тилга олина бошланди.

Хусусан, инглиз файласуфи Томас Гоббс ўзининг “Фуқаро хақида” (1642) ва “Левиафан” (1651) асарларида жиловланмаган эҳтирослардан, тартиб ва тинчлик хукмрон бўлган Фуқаролик жамиятига ўтиш концепциясини (та’лимотини) баён этади. Унга кўра: “Фуқаролик жамияти фуқароларнинг табиатан умумий душманлик ва қўрқув ҳолатидан, фуқаролари давлат ҳукумати томонидан тартибга солинган маданий жамиятга ўтиш жараёнида пайдо бўлади”.

Учинчи илмий концепсия тарафдорлари (И.Кант, Г.Гегел) томонидан олға сурилган фуқаролик жамияти модели бу борадаги мулоҳазаларнинг чўққиси бўлади дейиш мумкин. Хусусан, И.Кант фуқаролик жамиятини бутун инсоният миқёсидагина барпо этиш мумкин, деб ҳисоблайди. Бунинг учун, - дейди у, - инсон хатти-харакати ва хулқ – атвори ахлоқий нормалар ёрдамида назорат қилиши даркор¹⁵.

Г.Гегел фикрича, фуқаролик жамияти қуйидаги уч жиҳатни қамраб олади:

¹³ Қаранг: Макиавелли Н.Государь. – М., 1996; Бодон Ж. Шесть книг о государстве. Антология мировой философии. Том-2.-М.: 1970.

¹⁴ Қаранг: Гоббс Т.Левиафан. Избр. Произ. Том-2.- М.: 1964; Локк Дж. Два трактата о государственном правлении. Том-3. М.: 1988; Руссо Ж.Ж. Об общественном договоре или начала политического права. Трактаты. – М.: 1969; Гельвеций. К.О человеке, его умственных способностях и его воспитании. – М.: 1938; Гольбах. П. Естественная политика. Том-2. – М.: 1963

¹⁵ Қаранг: Кант И.Идея всеобщей истории во всемирно-гражданском плане // Антология мировой философии. – М.: 1971. Том-3.с.с. 187-197.

1. “алоҳида” индивид эхтиёжларини ифодалаш, уларни шу индивид меҳнати орқали ҳамда бошқаларнинг меҳнати ва эҳтиёжини қондириш орқали бажо келтириш (эҳтиёжлар тизими);
2. “умумийлик”да мавжуд бўлган озодликни, мулкчиликни адлия ёрдамида ҳимоя қилиш зарурияти;
3. мазкур тизимда мавжуд бўладиган тасоддифий ҳолларнинг олдини олиш ҳақида ғамхўрлик қилиш, манфаатларига полиция ва корпорация орқали эътибор бериш¹⁶.

Фуқаролик жамиятининг мазмун – моҳиятини аниқлашга қаратилган фикрларни умумлаштирилган тарзда айтиш мумкинки, фуқаролик жамияти, бу – жамият аъзоларининг турли туман эҳтиёжлари ва манфаатларини қондириш мақсадида фуқароларнинг ўzlари томонидан ихтиёрий асосида тузилган инситутлар ва улар ўртасидаги муносабатлар йиғиндисидир.

М.Қирғизбоев фикрича, фуқаролик жамияти бу – биринчидан, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда ихтиёрий равиша шаклланган, бошланғич нодавлат тизимларни қамраб олган инсоний бирликдир. Иккинчидан, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, оиласвий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний ишлаб чиқариш, шахсий ва нодавлат муносабатлар мажмуаси ҳамда учинчидан, эркин индивидлар ихтиёрий равиша бирлашган ташкилотлар ва фуқароларнинг турли органлар тазииклари аралашишлари ёки бир қолипга солишларидан қонунлар воситасида ҳимояланган жамиятдир¹⁷.

Кўриниб турибдики, фуқаролик жамияти мураккаб ички тузилишига эга бўлиб, ундаги ижтимоий муносабатлар иерархик вертикал тартибда эмас, балки эркин горизантал хусусиятга эга. Чунки фуқаролик жамиятидаги барча

¹⁶ Қаранг: Чориев С.шахс сиёсий қиёфаси ва ижтимоий адолат. – Қарши: Насаф, 1995. Б. 23.

¹⁷ Қаранг: Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти // “Ёшлик”, - Т.: 1996. № 6. Б. 3-4

ижтимоий муносабатлар мажбурийлик тамойиллариға эмас, балки ихтиёрийлик тамойилига асосланған бўлади (Илова-1).

Фуқаролик жамиятидаги ижтимоий муносабатларнинг уч муҳим негизи бор (Илова -2). Улардан биринчиси иқтисодий муносабатлар бўлиб, у иқтисодий плюрализм, яни турли мулкчилик шаклларининг тенг хукуқлилигига асосланади. Натижада, фуқаролик жамияти шароитида шахснинг мулқдан бегоналашувининг олди олинади. Ижтимоий муносабатларнинг иккинчи кўриниши маданий – маънавий муносабатлар билан боғлиқки, у миллатлараро, синфлараро, табақалараро хамда диний ва оиласвий муносабатларни ўз ичига олади. Фуқаролик жамияти миллий мансублиги, ижтимоий келиб чиқиши ва эътиқотидан қатый назар инсон хукуқлари ва эркинликларини эътироф этгани боис, мазкур ўналишдаги ижтимоий муносабатларнинг инсонпарварлик меъёрлари асосида амалга оширилиши учун замин тайёрлайди. Ижтимоий муносабатларнинг учинчи кўриниши эса, шахслараро муносабатларни ўз ичига олади.

Янги давр фалсафасида Фуқаролик жамияти муаммосига француз мутафаккирлари кўп этибор берганлар. Шулардан бири- Жан Жак Руссадир. У ўзининг “Ижтимоий шартнома ёки сиёсий хукуқ тамойиллари” деб номланган машхур асарида фуқоролик жамиятини тузиш асосларини қараб чиқади: “ўзаро тенглик, хукуқ ва меъёрларга хурмат, сиёсатда халқ манфатларига марказий эътибор қаратиш”¹⁸ни фикрининг марказига қўяди. Фуқаролик жамиятига тарифларнинг унинг ривожланишининг босқичида хар бир даврида ўзига хос бирлашмалари бўлган. Умуман тарихан ёндашилган мулохазалрдан кўринадики, нодавлат нотижорат ташкилотлари маърифатпарварлик даври ва янги давр муаллифларининг ишларида (Пайндан тортиб, то Гегелгача) бу термин ўзгача маъно касб этди: давлат структуралариға параллель бўлган манфаатларни эътиборга олган холда

¹⁸ Фалсафа.Қисқача изохли лугат М.Н. Абдуллаев М.Абдурашидов. Т.:Шарқ. 2004 Бет-344

тўзилган фуқаролик бирлашмаларининг тармоги маъносини англата бошлади. Янги тафаккур хусусий мулкчилик бозор ва буржуазия муносабатларининг юксалиши каби янги иктисадий воқеликни акс эттириди. XIX асрда саноат инкилоби туфайли сикиб чикарилган фуқаролик иттифоклари концепцияси инкиrozга учради.

XX асрнинг 20-30-йилларида Германияда, реал вокелик бой тугаракка оид хаёт билан фарқ қилас (немисларнинг деярли ярми у ёки бу касаба ассоциацияси ва маданий бирлашмаларнинг аъзоси эди) ва бу холат демократик институтларнинг мустахкамланишига олиб келиши лозим эди. Бироқ бу шаклдаги “фуқаролик жамияти” нафакат демократия ва либерал кадриятларнинг ғалабасини кафолатламади, балки аксинча, уларга путур хам етказди. Веймар Республикасининг заиф сиёсий структуралари ракобатлашаётган фуқаролик бирлашмаларнинг ошириб юборилган ва қарама-қарши эҳтиёжларини кондира олиш холатида эмас эди. Оқибатла, бу холат миллатчи, популистик харакатларнинг ва «кучли қўлга» булган эҳдиёж хиссининг кенг қулоч ёйишига хамда нацистлар партаясининг вужудга келишига замин яратди. Фуқаролик жамиятининг жипслиги ва тизимлилиги нацистлар учун динамик сиёсий машинанинг яратилиш жараёнини енгиллаштириди.

Фуқаролик иттифоклари ғояси Иккинчи жаҳон урушидан сўнг яна қайта кун тартибига кирди. Бу вактда италиялик назариётчи А. Грамши фуқаролмк иттифокларининг фаолларига буржуазия диктатурасига карши курашаётган мустақил сиёсий ташаббусларнинг тармоғи сифатида қарашни таклиф қилган эди. 70-80-йилларда бу маънодаги фуқаролик иттифоклари Лотин Америкаси ва Шаркий Европадаги авторитар режимларга карши курашнинг барча шакллари учун ташкилий «бошпана» хисобланарди.

Шу вақтдан бошлаб нотижорий секторнинг жадал кенгайиш тенденцияси кўзатилади. Шундай қилиб, Америка Кўшма Штатларида 1967

йилдагы 309 минг ННТ билан таққрслаганда, 1997 йилда икки миллиондан ортиқ нодавлат, нотижорат ташкилотлари бор эди. Иш билан банд булганлар умумий сонининг 13,4 фоизга яқини шу сохага жалб килинган эди (6,4 млн. кунгиллиларни хисобга олмаганда, даромадсиз ташкилотларда ишлаётгандарнинг мутлақ сони 9,3 млн. кишини ташкил этди). Нотижорат секторининг иктисодиётдаги роли хақидаги тасавурни унинг миллий даромалдаги улуши, хам беради, яъни 1990 йилда АҚШда даромадсиз сектор улуши ялпи даромаднинг 6,8 фоизга яқинини ташкил этди, бу курсаткич 1985 йилдагидан 1,5 баравар юкоридир.

Мана ярим асрdirки, Япония ўзининг барқарор демократияси билан бошқалардан фарқ қиласи, бироқ унда ўта жонбозлик курсатиш АҚШ ва Ғарбий Европаникига қараганда нисбатан заиф. Франция ва Испания тулиқ маънодаги демократик мамлакатларга мисол бўла олади, зеро, уларда ўта кучли давлат ва нисбатан заиф иттифоқчилик хаёти мавжуд; сиёсий партия-лар ва демократик сайловлар механизмини бу ерда плюрализм ва сиёсий сайлов хукуқи таъминлайди. Баъзи бир америкалик сиёсий таҳлилчилар буларнинг хаммаси учун Япония, Франция ва Испанияни танқид килишади. Лекин бу мамлакатларнинг олимлари, — "фукаро ва давлат ўртасидаги муносабагларда биз ўз анъанамизга мувофиқ равишда яшяпмиз", — деб жа-воб беришади.

Нодавлат ташкилотлари, табиийки, ривожланган мамлакатларда ҳукumatга тузатувчи босим ўтказади ва маҳсус масалаларда сиёsatчиларга маслаҳатлар берган ҳолда муҳим роль уйнайди. Бундан ташқари, манфаат нуктаи назаридан, бундай ташкилотлар черковлар, касаба уюшмалари, спорт клублари ва бошқалар сифатида кенг аъзолик базасига ва ўзларининг ички молиявий манбаларига эга. Улар ўз аъзоларини ўзларига мутлақ алокадор булмаган, сараланган фаолларнинг нихоятда тор қатламидан рекрут килишади (жалб қилишади ёки ёллашади) ва бу фаоллар уларнинг номидан иш куришади.

XXI аср бошларидан фуқаролик иттифоқларининг тармоғи глобаллашиб бормокда. Пиёдаларга қарши куйиладиган миналарни таъкиқлаш буйича Халқаро компания ёки «Чегара билмас шифокорлар» ташкилотининг мувафаққиятлари амалда трансмиллий фуқаролик жамиятининг шаклланишига, глобал (умумбашарий) фуқаролик сиёсатининг юзага келишига олиб келди. Аммо жамоатчилик бирлашмаларининг глобаллашуви тўғрисидаги хulosалар маълум маънода босиклик билан кабул килиниши лозим, зеро, биринчидан, трансмиллий фуқаролик жамияти туюлиши мумкин булгани каби унчалик янги эмас, улар утмишда ўзининг кутарилиш ва инкиroz даврларига эга булган. Ўз даврининг еиёсатига улкан таъсир эта олган шундай жамиятлар булган. Масалан, рим-католик черкови, тинчликни ҳимоя қилиш ҳаракати, Пагуош ҳаракати. Иккинчидан, ривожланаётган ва янги мустакил давлатлардаги “фаол ҳаракатлар”нинг аксарият кўпчилиги Ғарб бирлашмаларининг соғ нусхаси ёки чет эл ноҳукумат ташкилотларининг атиги филиаллари, холос. Уларнинг «глобаллиги» шубҳали ва ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Учинчидан, фуқаролик жамияти институтларининг глобаллашуви ҳам миллий давлатлар доирасидаги бирлашмаларнинг фаолияти каби муқаррар эмас. Уларнинг фойдали ёки заарлилиги (мавжуд) вазиятга боғлиқ. Ахир нафакат барча мамлакатларнинг ҳуқуқ ҳимоячилари бирлашмокдалар, балки экстремистик гурухларнинг мувофиқлашуви ҳам ошиб бормокда, жиноий дунё ўзаро лойиҳаларни амалга ошириш максадида жипслашмокда.

Маълумки, манфаатлар индивидлар ва гурухлар хатти – ҳаракатларини белгиловчи сабаблардир. Фуқароларнинг маълум бир ижтимоий гурухга мансублигидан келиб чиқиб нодавлат нотижорат ташкилотларига уюшиши натижасида манфаатлар уйғунлашуви рўй беради. Инситутлашган ижтимоий гурухлар шаклини олган манфаатлар гурухлари турли мамлакатларда уларнинг тарихи, тажриба ва анъаналаридан келиб чиқиб турлича номларда аталади. Масалан; АҚШда манфаатлар гурухлари фуқаролик инситутлари

волонтийўрлар ташкилотлари, умумий манфаатлар гурухлари, босим ўтказиш гурухлари, деб аталса, Ғарбда нодавлат нотижорат ташкилотлари, ҳайрия ташкилотлари, жамғармалар каби номлар билан аталган. Ривожланган мамлакатларда ишчилар, деҳқонлар, фермерлар, ишбилармонлар, турли касбга доир уюшмалар, хотин – қизлар, ёшлар, фахрийлар, диний бирлашмалар каби юз минглаб жамоат ташкилотлари бўлиб улар ўзларига аззо бўлган индивидларнинг манфаатларини ва эҳтиёжларини қондириш учун фаолият юритади. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари жамиятда мавжуд бўлган барча манфаатларини қамраб олиб, уларни ифодалагандагина, улар ўз мақсадларини самарали бажарадилар. Жамиятда турлича, жумладан иқтисодий, ижтимоий, ҳамда яна ўнлаб айrim соҳаларга доир манфаатларнинг ифодаси сифатида пайдо бўлади ва фаолият юритади”¹⁹. Маълумки ҳар қандай ташкилий тузилманинг моҳияти ва мазмуни унинг вазифаси ва фаолияти йўналишларида ёрқин ифодаланади. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг функциялари-турли тумандир. Бирок, уларнинг асосий функцияларидан бири-турли ижтимоий гурухлар ва қатламлар манфаатларини артикуляция қилишdir. Манфаатлар гурухлари индивидлардаги турли йўналишдаги қарашлар ва фикрларни бир тизимга келтиради, бирон-бир ташкилотнинг бир қолипга солинган манфаатлар тизими асосида ташкилотнинг ҳаракат дасурининг шаклланишига ёрдам беради. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар кўплаб айrim манфаатларни агрегатсия қилиш, мунозаралар ва муҳокамалар ёрдамида турли манфаатларни уйғунлаштириш ва улар ўртасида маълум бир муносабатлар тизимини ўрнатиш фаолиятини ҳам олиб боради. Бу жараёнда энг асосий ва муҳим аҳамият касб етадиган, гуруҳ аъзоларининг кенг қатламлари қарашларини ифода эта оладиган манфаатлар танлаб олинади ва уларни амалда қондиришнинг зарурий чора-тадбирлари кўрилади. Нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан маълум бир ижтимоий гурухнинг турли

¹⁹ Кирғизбоев М. Фуқаролик жамиятини генезиси: шаклланиши ва ривожланиши. Т.: Ўзбекистон, 2010. б. 173.

манфаатлари бир тизимга солиниб, уларнинг кенг жамоатчилик хоҳиш-иродаси сифатида давлат ва ҳукумат органларига етказилиши, сиёсий қарорлар қабул қилиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари манфаатлар гурухларининг яна бир функцияси-манфаатларни интегратция қилишдир. Бу айрим ижтимоий гуруҳлар ташқарисида ўз аъзолари манфаатлари асосида фаолият қўрсатаётган турли ижтимоий гуруҳлар билан бошқа бир гурух манфаатларини яқинлаштириш учун ҳизмат қилади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари кишиларнинг ихтиёрий бирлашмаларидир. Улар сиёсий партиялардан фарқ қилиб ҳокимиятни эгаллаш лавозимларига номзодлар қўрсатиш билан шуғулланмайдилар. Лекин улар ҳокимият ва бошқа сиёсий ташкилотларга тасир қилиш учун ҳаракат қиласидилар. Бу соҳадаги фаолият сиёсий ташкилотлар воситасиз бўлиши лозим. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳаракат усуслари давлат органларини ишонтириш, маслаҳат бериш жамоатчилик фикрини шакллантириш, сиёсий ахборотларга ижтимоий гурухларнинг эҳтиёжларини етказиш, ўз манфаатларини қондириш ташкилий тадбирлар ўтказиш билан чегараланади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти деганда, жисмоий ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий равища тўзилган, ўз фаолияти давомида факт фойда олишни ўз олдига асосий максад қилиб куймаган ва олинган фойдани унинг иштирокчилари (аъзолари) уртасида тақсимламайдиган ўз-ўзини бошкара оладиган ташкилот тушунилади²⁰.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг 4 та асосий белгилари бор:

- 1) ўзини-ўзи бошкариши;
- 2) жисмоний ёки юридик шахслар томонидан ихтиёрий равища ташкил этилиши;

²⁰ “Ўзбекистоннинг ижтимоий сиёсий ташкилотлар салоҳияти ривожини қўллаб-кувватлаш” мавзусидаги семинар тренинг материаллари. Тошкент-2010 11-бет

3) ўз фаолиятидан фойда олишни кўзламаслик;

4) ННТлар фойда олиши мумкин, аммо фойда аъзолар томонидан бўлиб олинмайди, балки Низомда курсатилган вазифаларни ҳал этишга сарфланади.

Хўш, ННТлар нима учун керак? Давлатнинг ўзи барча соҳаларни назорат килса булмайдими? Биз давлатга солик тўлаймиз, давлат эса бизларнинг ижтимоий муаммоларимизни ҳал этади. Ҳамма ўз бурчини бажаради. Бир жихатдан бу туғри фикр. Ҳақикатдан хам, давлат ижтимоий муаммолар билан аввало ўзи шуғулланади. Аммо дунёда хеч бир давлат жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ёлгиз ўзи тулик ҳал эта олмайди. Чунки ижтимоий соҳа жуда кенг: таълим, фан, маданият, санъат, соғлиқни саклаш, иш билан таъминлаш ва в-хк. Буларнинг барига давлатнинг маблағи, салохияти етмайди.

ННТлар куйидаги вазифаларни амалга оширади:

- давлат харажатлари (бюджети)ни иқтисод қилишга кумаклашади. Чунки ННТлар давлат бюджетидан маблағ олмайди, (грант оркали) олган тақдирда хам ижтимоий муаммоларни анча камхарожат ҳал этилишига эришади;

- жамиятда мавжуд ички (ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий) муаммолардан ўз вақтида хабардор килади;

- ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасида янги тажрибаларни урганади ва уларни татбиқ этади;

- жамиятда юзага келадиган ижтиомий-иқтисодий муаммоларни ечишда фаол иштирок этади ва х. қ

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуклари ва қонуний манфаатларини, шунингдек бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва таълим соҳасидаги мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, ҳайрия ишларига оид фаолиягни амалга ошириш учун ва бошқа

ижтимоий фойдали мақсадларни қўзлаган ҳолда тузилади. Ривожланган мамлакагларда ННТ раҳбарлари ва ходимларини давлат тузилмаларига ишга қабул қилиш амалиёти кенг тарқалган. Нотижорат ташкилотлари иш жараёнида улар томонидан эгалланган амалий тажриба орқали, худуд муаммоларини чукурроқ англашга, уларнинг ечиминии топишда янада кенгроқ дунёқарашга эга бўлишга, янги ностандарт механизмларни қўллашга имкон яратади. Демак ННТ нафакат жамиятнинг кадрлар ресурсига айланиб бормоқда, балки у давлатнинг кадрлар резерви (захираси) ҳамдир.

Шундай қилиб, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, биринчидан, давлат функцияларини аста-секин жамоатчилик ташкилотларига топшириш жараёни юз беряпти; иккинчидан, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалардаги вазифаларни ҳал қилишда нодавлат фуқаролик институтлари ролининг юксалиш тенденцияси ортиб бормоқда; учинчидан, маҳаллий аҳамиятга молик вазифаларни давлатлараро фуқаролик органлари орқали ечиш йуналишлари пайдо бўляяпти; тўртинчидан, таълим ва маданият, шунингдек ахборот технологияларини тарқатиш соҳасида фуқаролик институтларига қизиқиш қучаймокда; бешинчидан, кенг миқёсли, ҳалқаро, трансмиллий нодавлат нотижорат ташкилотлар пайдо бўлмокда.

1.2. Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ривожланишиш босқичлари ва ҳуқуқий асосларининг яратилиши

Ўзбекисон мусақиллигининг даслабки давриданоқ “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон” демократик жамият қуриш йўлидан кетмоқда, Фуқаролик жамиятида **жамоат бирлашмалари**, нодавлат нотижорат ташкилотларининг алохиди ўрни бор. Тарихан қисқа давр ичида давлатчилигимизнинг конситусиявий ва сиёсий-ҳуқуқий асослари яратилди, ҳам марказда, ҳам жойларда давлат ҳокимияти органларининг янги тизими қарор топди. Энг муҳими, мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш йўлида даслабки, муҳим қадамлар қўйилди. Олий ва маҳаллий вакиллик ҳокимиятларининг ҳуқуқий-қонуний ваколотлари, функциялари Ўзбекисон Республикаси Конситусияси ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар ёрдамида, бир томондан, марказий, иккинчи томондан, маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимиятлари ҳамда бошқарув идораларининг вазифалари, фаолиятининг кафолотлари, маҳаллий ҳокимият органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги муносабатлар тартибга солинди. Бунда давлатнинг халқ иродасини ифода этиши ҳамда унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида майсууллиги каби демократик тамойилларга асосланган халқ ҳокимиятчилиги

қарор топди. Дарҳақиқат, давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органларининг барча бўғинларида аҳолининг турли гурухлари ва қатламлари қанча фаол иштирок этса, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг биринчи навбатда сиёсий тизимидаги янгиланишларнинг кўлами ва самарадорлиги шунча ошади. Шу муносабат билан Президент И.А. Каримов Республика Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ биринчи сессиясидаги нутқида “Давлатнинг куч-қудрати бошқарувнинг барча ваколотларини ўз зиммасига олиши ҳамда давлат идораларининг ҳукм ва тазиик ўтказувчи орган сифатидаги вазифаларни кучайтириш билан белгиланмайди. Давлатнинг куч-қудрати аввало, демократик инситутларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун зарур имкониятларни ташкил этиб бериш қобилияти билан ўлчанади”²¹, - деб таъкидлайди. Бинобарин, фуқаролик жамияти шароитида давлат жамият тараққиётининг стратегияси ва тактикасини белгиловчи, маҳаллий ҳокимият органлари эркинлигининг меъёрини аниқлаб берувчи, улар билан ўзаро муносабатларини демократик тамойиллар асосида ташкил этувчи инситут вазифасини ўтамоғи лозим.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш демократия талабларидан биридир. Шу сабабдан ҳам, “ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш йўли ўз моҳият эътиборига кўра мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг асосий боғловчи бўғинига айланди”²².

Ўзбекисонда жамият ҳаётини эркинлаштириш қуидаги йўналишларда ўз ифодасини топмоқда:

²¹ Қаранг: Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз.8-жилд.-Т.: О’збекисон, 2000. Б. 334-335.

²² Қаранг: Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд.-Т.: Ўзбекисон, 1999. Б. 379-380.

- жамиятнинг сиёсий соҳасини эркинлаштириш;
- давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш;
- иқтисодиёт соҳасини эркинлаштириш.

Табиийки, ҳар учала йўналишдаги эркинлаштириш жараёни маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини ҳам эркинлаштириш учун ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-хукуқий ва маънавий-мафкуравий замин тайёрлайди.

Сиёсий соҳани эркинлаштириш учун, энг аввало, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятимизда мавжуд бўлган турли сиёсий манфаатларни инобатга оловчи ва улар ўртасидаги мувозанатни сақловчи механизмни шакллантириш зарур бўлади. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Жамиятимизни янгилаш ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида аҳолимизнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг хоҳиш-иродасини ифода этишда, яъни бугун замоннинг ўзи талаб қиласиган бу муҳим вазифаларни бажаришда нодавлат инситутларини шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини таъминлаш, сиёсий партияларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш масалалари катта ўрин тутишини ҳаммамиз яхши тушунамиз”²³

Кейинги йилларда давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини экинлаштириш ҳам ҳукуматнинг дикқат марказида турибди. Зеро, турли ҳокимият тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш олиб бориши таъминланмас экан, ҳокимият органларининг айрим ваколатлари нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига аста-секинлик билан

²³ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодиётн барқарорлаштириш йўлида. 16-жилд. –Т.: Ўзбекистон. .2008 в. 91.

берилмас экан, “кучли давлатдан кучли жамият сари” тамойилини рўёбга чиқариб бўлмайди.

Сиёсий соҳани, давлат қурилишини ва бошқарув муносабатларини умумеътироф этилган демократик тамойиллар ва меъёрларга монанд ҳолда эркинлаштириш, албатта мамлакатда давлат суверенитетини мусаҳкамлаш, ижтимоий барқарорликни қарор топтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун мусаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қиласди. Жамият сиёсий тизимини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштирмасдан, ўз умрини яшаб бўлган ягона мафкура ҳукмронлигига юзага келган эски тузумга бутунлай барҳам бермасдан туриб, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётiga асосланган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни барпо этиш мумкин эмас. Худди шунинг учун ҳам, Президентимиз И.А.Каримов: “Ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга доир ислоҳотларни фаол давом эттириш, шу аснода инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият ва бойлик сифатида жамиятимиз ҳаётида асосий ўринга қуиши доимий эътибор марказимизда бўлади”²⁴ деган эди.

Мустақиллик том маънода бизга ҳалқ хокимиятчилигига асосланган озод жамиятнинг ҳаётга тўлақонли жорий бўлиши учун, уч талаб зарурлигини ўрагатди. **Биринчиси**, барча фуқароларнинг teng ҳуқуқли эканлигини тан олиш, **иккинчиси**, барча фуқуроларни қонунларга итоат этишини ўз бурчи деб билиши ва **учинчиси**, барча фуқароларнинг ижтимоий ҳаётга фаол ва масулиятли ёндашувидир²⁵. Фуқаролик жамиятнинг асосий бўғини бу нодавлат нотижорат ташкилаотлари, турли жамоат бирлашмалари хисобланади негаки фуқаролик жамиятида функциялар алмашинуви содир бўлади, бунда давлат ўз вазифаларнинг айримларини нодавлат нотижорат ташкилаотларига беради. Бу фуқаролик жамиятнинг намоён бўлиш

²⁴Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодиётн барқарорлаштириш йўлида. 16-жилд. –Т.: Ўзбекистон. .2008 в.
45

²⁵ Каранг; Мухаммаджон Иномназаров. “Миллий маънавиятимиз асослари” Ўзбекистон файласуфлар миллижамияти нашрёти. Тошкент 2006. 301-бет

шакилларидан бири халос. Келинг шу ўринда Ўзбекистондаги жамоат бирлашмалари ва нодавлат нотижорат ташкилаотларининг ривожланишиш тарихига назар ташлайлик.

Ўзбекистонда фукаролар бирлашмаларининг ривожланишини шартли равища бир неча даврларга булиш мумкин.

Биринчи босқич, мустамлака булгунга кадар ўтган давр. Бу боскич тахминан XIX асрнинг 60-йилларигача булган даврни камраб олиб дехқонларлар (миришкорлар), хунармандлар, халқ ичида юрувчи санъаткорларнинг нопрофессионал бирлашмаларини ўз ичига олади. Хашарни жамиятдаги хусусий ёки ижтимоий муаммони хал килища ўзбек халқининг энг кадимиј анъанаси, вактинчалик фукаролик меҳнат иттифоқи шакли деб ҳисоблаш мумкин. Бундан ташкари, Ўзбекистонда ўз-ўзини бошкаришнинг ўзига хос модели мавжуд булиб келган ва хозирда хам амал килмокда, бу-махалладир.

Иккинчи босқич, мустамлакачилик даври, яъни колониал боскич (1865-1917 йиллар) сиёсийлашган жамиятлардан иборат эди. Бу жамиятлар чоризм ва маҳаллий бошカラув хукуматининг зулмига карши каратилган эди. Шунингдек манфаатлар асосида тузилган турли адабий тугараклардан иборат эди (масалан, зиёлилар йигиладиган Бедилхонлик, Машрабхонлик, Навоийхонлик кечалари). Бу даврда ҳаттоқи, археология, сайроки кушлар ихлосмандларининг маҳаллий тўгараклари, шашмақомчилар жамияти ва бошкалар тузилди. Барча тусиқларга карамасдан, суфийларнинг диний жамоалари хам фаолият курсатиб келган. Табийки, мустамлака режими ўзгағоянинг ҳар кандай куринишини, миллий уйғониш ва фукаролар мустакил фаолиятини, ҳар томонлама бузишига харакат килди.

Учинчи босқич, «совет» мустамлакачилиги даври (1917-1985 йй.). Мазкур боскич совет хокимияти томонидан «коммунизм қуриш ишида халкнинг сиёсий фаоллигини» бутун дунёга курсатиш максадида фойдаланилди. Булар:

- ихтирочилар ва рационализаторларнинг илмий-техник жамияти, радио охаваскорлар илмий-техник жамияти, «Билим» илмий-техник жамияти ва бошқалар;
- жисмоний тарбия ва спорт соҳасида — «Динамо» жамияти, «Спартак» жамияти ва бошқалар;
- ногиронларнинг жамиятлари - Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон карлар жамияти ва бошқалар;
- кизикиш буйича - Шахматсеварлар жамияти, Овчилар ва балиқчилар уюшмаси ва бошқалар;
- профессионал соҳада - Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон архитекторлар уюшмаси, Ўзбекистон ёзувчилар иғтифоки ва бошқалар;
- ташқи-сиёсий тарғибот соҳасида - Тинчликни сақдаш қумитаси, Осиё ва Африка халқари билан бирдамлик қумитаси ва бошқалар;
- маданий-тариҳий соҳада - Тариҳий ва маданий ёдгорликларни химоя килиш Ўзбекистон жамияти ва бошқалар;
- гуманитар соҳада — Ўзбекистон Кизил Xоч ва Қизил Яримой жамияти, Сув (хавзалари)да кутқариш Жамияти ва бошқалар.

Ушбу ташкилотларнинг хаммаси расмий характерга эга булган табиийки, буни ахолидан сир гутиш кийин эди, зеро, ахоли орасида уларга нисбатан икки томонлама ёндашув шаклланди: бир томондан, хамма уларнинг зарурлигини тушунарди, бошка томондан эса, уларнинг фойдасиз эканлигини куришди (ёки шунга гувоҳ булишди). Совет хукумати бу бирлашмаларнинг хар кандай сиёсийлашувига нихоятда эҳтиёткорона муносабагда бўлган. Айниқса, ушбу жамоатчилик бирлашмаларига уларнинг деярли бефойда эканлигини намоён килган аъзоликнинг «ихтиёрий-мажбурий» характеристери одамларнинг ғашига тегар эди.

Туртинчи босцич 1985 йилда бошланиб, 1991 йилгача давом этди. Бу

даврда «қайта куриш» оркали «социализмни янгилаш» ғояси остида фуқаролик иттифоқларининг ривожланган моделини куришга харакат килинган. Лекин вазият коммунистик режим назоратидан чикиб кетди. Бу холат, **биринчидаи** «жараённинг бориши»га умумий Кремль кайфиятини ва мамлакатда умумий бошкарувсизликни акс эттирди, **иккинчидан**, жамоатчилик бирлашмалари фаолиятини хуқуқий механизмлари йуқлиги ва **учинчидан**, бундай бирлашмаларни молиявий таъминлаш имкониятининг йуқлиги аён эди.

Аммо шу даврда Ўзбекистонда мамлакатнинг олий раҳбарияти бошчилигидаги соғлом кучлар давлат мустакиллигига эришишда том маънодаги жамоатчилик бирлашмаларининг ролини инобагга олган холда, уларнинг ривожланишига замин ҳозирлади. Шундай килиб, Президент И.Каримов ташаббусига кура, ҳали 1991 йилнинг ёзиданоқ жамиятда аёллар роли ва айниқса, мамлакатда демографик вазиятнинг хусусиятларини инобатга олган холда, Ўзбекистон Хотин-қизлар кумитаси қайта тикланди. 1995 йилнинг мартаидан жамоатчилик-давлат мақомини олган бу ягона ташкилот ўз структурасида вертикал иерархия тизимига эга булди: вилоят хокимлигалари-14, туман қўмиталари-170. Хотин-қизлар қўмиталарининг барча раҳбарлари маълум даражадаги хоким ўринbosарлари саналади. Бугун мамлакатимизда 91 та хотин-қизлар нохукумаг ташкилотлари фаолият юритмокда. Уларнинг 55 фоизи таълим йуналишидаги лойиҳалар билан ишламокда.

Ўзбекистондаги ННТлари таракдиётининг **беинчи босқичи** 1991 йилнинг сентябридан бошланиб, 1996 йилгача, яъни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иктисодий хаётнинг хамма жабхаларида либерализация жараёни бошлангунга қадар давом этди. Унинг асосий хусусиятлари: **биринчидаи**-жамоатчилик бирлашмаларининг мазмун ва функцияларининг ўзгариши; **иккинчидан** - совет структураларининг демократик структураларга оддий трансформацияси қилинишининг тутатилиши (КПни ХДПга, Ёшлар

Иттифокини «Камолот» жамгармасига ва хоказо); **учинчидан-** баъзи бир собик совет структураларининг шунчаки йуқолиб кетиши.

1996 йилдан бошланган **олтичи босқич** билан амалдаги жамоатчилик бирлашмалари мустахкамланди ва мустақиллик, демократия, хуқуқий давлат ва фукаролик жамияти рухига мос янги ташаббускор иттифоқлар яратила бошланди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг, айнан Президент И.А Каримов таъкидлаганиде «Биз фукаролик жамияти куришга интилмокдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожланиб борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халқга топшириш, яъни ўзини-ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир»²⁶.

Ўзбекистон Республикасида конунда белгиланган тартибда руйхатдан угказилган касаба уюшмалари, сиёсий нартиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-кизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий харакатлар ва фукароларнинг бошқа уюшмалари **жамоат бирлашмалари** сифатида эътироф этилади (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 56-модда, 13-боб).

Ўзбекистон Республикаси конун чилигига «жамоат бирлашмаси» тушунчаси ишлатилган булсада, 90-йилларнинг ўрталарига келиб, купроқ «нодавлат ташкилот» ёки «учинчи сектор» тушунчаси хам (яъни, биринчи сектор давлат ташкилотлари, иккинчи сектор — тижорат ташкилотлари) кулланила бошлади.

«Нодавлат нотижорат ташкилотлар- жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган хамда олинган даромадларни (фойдани) ўз катнашчилари (аъзолари) уртасида такқсимламайдиган ўзини-ўзи бошқариш ташкилотидир” Бугун Ўзбекистонда бир катор жамоат бирлашмалари фаолият олиб боради.

²⁶ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижғимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий гамойиллари. Г., 1995. 14-бет.

Жумладан, Ўзбекистон хотин-қизлар қумитаси, Республика касаба уюшмалари федерацияси, Республика Маънавият тарғибог марказ, “Соғлом авлод учун” халкаро хайрия жамгармаси, “Камолот” Ёшлар ижтимоий харакати, Республика «Маҳалла» хайрия жамгармаси, “Нуроний” жамгармаси ва бошкалар.

Мустакдллик йилларида фуқаролик иттифоктарининг ташкил этилиши ва фаолиятини тартибга соловчи қонунчилик базаси яратилди. Хусусан, 1991 йилнинг 15 февралида «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари туғрисида» қонуи қабул килиди (1992 йил 3 июль ва 1997 йил 25 апрелда ўзгартиришлар киритилди). Ўзбекистон Реснубликаси Констигуцияси қабул килингандан сунг бу жараён асосий қонуннинг 13,56-62-моддалари билан тартибга солина бошланди. 1992 йилда «Касаба уюшмалари, улар фаолиятининг хукуклари ва кафолатлари туғрисида» қонун қабул килинди. 1996 йилда «Сиёсий партиялар туғрисида»ги қонун, шунингдек 1996 йилда «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий бирлашмаларнинг низомларини кайд килиш тартиби туғрисида» Ўзбекистон Реснубликаси Вазирлар Махкамасининг карори қабул килинди.

1999-йил апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуни, 2004-йилда “Сиёсий партияларни молијаялаштириш туғрисида”ги қонуни қабул килинди. Ўзбекисонда нодавлат нотижорат ташкилотларини фуқаролик жамияти инситути сифатида ривожлантиришда 2005 йилнинг 10-июнида “Ўзбекисон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассотсатсияси ташкил топиши муҳим аҳамият қасб этди. Ҳозирги даврга келиб бу Ассотсатсияга 370 дан ортиқ турли республика миқёсидаги ва вилоятларда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар аъзо бўлиб кирдилар. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини такомоллаштиришнинг мантиқий давоми сифатида фуқаролик жамияти

инситутлари тизимида бу каби ташкилотларни тобора ривожлантириш, уларнинг мустақил иш юритиши ва чинакам мустақиллигини таминлаш ҳукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш фаолиятини ташкилий –хукуқий, моддий–техникавий жиҳатдан қўллаб–қувватлашни кучайтиришга қаратилган “Нодавлат–нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” ги қонун, Ўзбекисон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг “Нодавлат нотижорат ташкилотларини фуқаролик жамиятининг бошқа инситутларини қўллаб–қувватлашни кучайтириш чора–тадбирлари тўғрисида” ги қўшма қарори ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бундан ташқари сўнгги йилларда “Жамоат фондлари тўғрисида”ги, “Ҳомийлик тўғрисида”ги қонунлар, Ўзбекисон Республикаси президентининг “Ўзбекисонда фуқаролик жамияти инситутлари ривожланишига кўмаклашиш чора–тадбирлари тўғрисида“ги қарори ва бошқа қатор меорий хужжатлар қабул қилинди ва улар фуқаролик жамияти инситутлари ижтимоий фаоллигини кучайтиришда муҳим омил вазифасини бажармоқда. Ўз навбатида, Олий Мажлис ҳузурида жамоат фонди таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг ваколатли вакиллари билан бирга депутатлар, молиявий тузилмаларнинг масъул ходимлари кирган парламент комиссиясининг ташкил қилиниши ҳам эътиборга сазовордир. 2007 йил январь ойида “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тугрисида” конун қабул қилинди.

Юртбошимизнинг 2010-йилнинг 12-ноябрьдаги Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролик жамиятини концепцияси”да элликга яқин қонун хужжатларининг қабул қилишнинг зарурлиги, бугунги кунда давр

талаби ва мамлакатнинг ривожланиши учун мухим эканлиги қўрсвтиб берилган. Концепциянинг бешинчи бўлими “Фуқаролик жамияти институтларини шакилантириш ва ривожлантириш” деб аталиб ушбу бўлимда Президент И.А.Каримов “...Фуқаролик янада ривожлантиришга еришиш, амалга оширилаётган ислоҳатларимизнинг очик-ошкоралиги ва самарадорлгини тъминлашда уларнинг уларнинг ролини кучайтиришда **“Ижтимоий шериклик тўғрисида”**ги Конуннинг. Давлат хокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун хужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали хуқуқий механизмини яратишга қаратилган **“Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”**ги Конуни шуниннгдек атроф мухитни ўимоя қилишни таминаш тизмida нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган **“Экологик назорат тўғрисида”**ги Конунларнинг” қабул қилиш фурсати етди²⁷, деган эдилар ва бу қонун лойхалари бугун Республика парламенти томонидан жамоатчилик мухокамасига тақдим этилмоқда.

Бугунги кунда Олий Мажлис Конунчилик налатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошкариш органлари қўмитаси фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилган маълумотларга кура, хрзирги кунда республикамида адлия органлари томонидан **6000 дан зиёд** нодавлат нотижорат ташкилотлари хамда **50 дан** ортиқ хамкор ва чет эл ноҳукумат ташкилотларининг ваколатхона, филиаллари давлат рўйхатига олинган.

Ўзбекистонда вазифа ва функцияларига кура бир-биридан фарқланувчи, иштирокчилар оммавийлигига ва моддий-техника имкониятларига караб куйидаги ташкилотларни нодавлат нотижорат

²⁷ И.А.Каримов “Мамлакатимизда демократик ислоҳатларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини концепцияси” Тошкен-“Ўзбекистон”-2010й 45.46.47 бетлар

ташкилотлари тоифасига киритиш мумкин:

- жамоат бирлашмалар;
- ижтимоий фондлар;
- ассоциациялар;
- ўз-ўзини бошқариш органлари.

1995 йилда киритилган Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодексига мувофиқ истеъмолчи кооперативлар шаклидаги юридик шахслар хам нотижорат ташкилотларига киради.

Умумэътироф этилган таснифга кура, Ўзбекистондаги нодавлат нотижорат ташкилотлари куйидаги гурухдарни ўз ичига олади:

Биринчи гурӯҳ;- аҳолининг муайян йирик тоифаларининг ижтимоий манфаатларига хизмат курсатишга ихтисослашган умуммиллий структуralар («Махалла» фонди, Хотин-кизлар кумитаси, Ногиронлар ассоциацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳдракати, «Нуроний» фахрийлар фонди ва бошкалар).

Иккинчи гурӯҳ;- экология, маданият ва саломатликка ихтисослашган миллий-халкаро фондлар («ЭКОСАН» фонди, «Олтин мерос» фонди, «Соғлом авлод учун» фонди, Амир Темур маданий-тарихий фонди, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш фонди, Оролни куткариш фонди, Марказий Осиё мамлакатларининг фан ва маданият ходимлари фонди ва бошкалар).

Учинчи гурӯҳ;- профессионал манфаатларга оид ижтимоий муассасалар, улардан энг кўзга куинганлари куйидагилар: «Ижтимоий фикр» маркази, «Маънавият тарғибод» жамоатчилик маркази, Журналистларни кайта тайёрлаш Халкаро маркази ва бошкалар.

Туртинчи гурӯҳ; - умуммиллий хайрия жамиятлари, фондлар (Болалар фонди, «Улуғбек» иқтидорли ёшларни қуллаб-куватлаш фонди, Ўзбекистон миллий рақс фонди, «Устоз» Республика фонди, Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий химоялаш фонди, Республика студентлар

фонди ва бошкалар).

Бешинчи гурӯҳ;- хукукни химоя килувчи нохукумат ташкилотлари (Ўзбекистон судъялар асоциацияси, Ўзбекистон адвокаглар ассоциацияси, Ўзбекистон аёл юристларининг жамоат бирлашмаси, Шахс хуқуқини ҳимоя килиш кумитаси, инсон хукуклари буйича Ўзбекистон мустакил ташкилоти ва бошкалар).

Олтинчи гурӯҳ; — ижодий интеллигенциянинг миллий жамоат ташкилотлари (Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбек химия жамияти, журналистлар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси, Меъморлар (архитекторлар) иттифоки, кинематографчилар иттифоки ва бошкалар).

Еттинчи гурӯҳ;- Ўзбекистонда истикомат килаётган майда миллат вакилларини бирлаштирувчи миллий маданият марказлари (130 дан ортиг)-маданият, маънавият, урф-одатлар ва анъаналар, шунингдек хорижий мамлакатлар билан тўзилган дустлик жамиятлари.

Саккизинчи гурӯҳ; — жойларда ижтимоий ахамияти ва ижодий кизикишига кура ташкил этилган бирлашмалар (Уруш фахрийлари бирлашмаси, Автомотохаваскорларнинг қунгилли жамияти, Ихтиорчилар ва рационализаторлар жамияти, Сайёхлар ва ҳаваскор қўшикчиларининг клублари, Ногирон болалар ота-оналарининг уюшмаси ва бошкалар).

Шундай қилиб, республикада жамоатчилик ташкилотларни ривожлантириш ўзининг янги тараккиёт боскичига қадам куйдики, бу боскич ННТ тикланиш жараёнининг фаоллашуви ва улар сонининг ошиши билан характерланади. Бирок куп сонли нодавлат ташкилотларининг пайдо булиши хали уларнинг барқарор фаолияти ва хаётий яшовчанлигидан далолат бермайди. Бу, биринчи дан, ННТ ўз ғоялари ва давлат хокимияти органлари олдидаги хақ-хукуқларини ҳимоя килишга кодир эмаслиги, уларнинг профессионализм даражасининг, хукукий ва сиёсий маданиятининг пастлиги ва хрказолар; иккинчидан, купчилик ННТ олдиларига куйган максадларининг фойда олишга йуналтирилганлиги; учинчидан, ННТ мазмун

ва мохиятини жамоатчилик томонидан (хали) яхши англаб етилмаганлиги ва бошкалар билан ифодаланади.

Таъкидлаш лозимки, сунгти йилларда юртимиизда муайян ижобий ишлар ҳам амалга оширилди. Масалан, 2003 йилдан бошлаб “**Фуқаролик жамиятини ўрганиши институти**” (2010- йилдан Фуқоролик жамияти шакилланишини маниторинг қилиш мустақил институти номини олган) фаолият юритиб келмоқда. Бу институт томонидан халқаро ва миллий ННТлар ҳамкорлигига бир катар тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Шунингдек 2005-йилнинг май ойидан бошлаб “**Ўзбекистан нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси**”га асос солинди. 2006 йилда ассоциациянинг ННТларни куллаб-куватлаш фонди томонидан 19та лойҳа буйича 73 млн сум микдоридаги грантлар ажратилди²⁸.

Маълумки, ривожланган мамлакатларда ҳам нодавлат нотижорат ташкилотлар жамиятнинг асаосий қисмини ташкил этади. Жумладан АҚШ да 1 миллиондан кўпроқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритадилар. Уларда мамлакат аҳолисининг 7.8 фоизи ҳизмат қиласи. Дунёнинг бошқа ривожланган мамлакатлари ҳукуматлари ҳам муҳим иқтисодий, иштимоий, экологик ва бошқа долзарб муаммоларни ҳал этишда жамоат тузилмаларига, биринчи навбатда нодавлат нотижорат ташкилотларига таянадилар. Ривожланган 22 та мамлакатда иш билан банд аҳолининг 4.9 фоизи бевосита нодавлат соҳада меҳнат қиласидар. Бу кўрсатгич Нидерландияда 12,4 Ирландияда 11,5, Белгияда 10,5, Истроилда 9,2, Австралияда 7,2, Буюк Британияда 6,2 фоизга tengdir. Шунингдек Италияда мунтазам ўтказилиб туриладиган сотциологик тадқиқотларга биноан 18 ёшдан 74 ёшгача бўлган Италия аҳолиси нинг фақат 12 фоизи ихтиёрий нодавлат нотижорат ташкилотларида иштирок этадилар. Италияда келтирилган ана шу 12 фоиз иштирокчиларнинг фақат учдан икки

²⁸ www.ngo.uz

қисмигина “учинчи сектор“ да фаол қатнашадилар. Ҳозирда мамлакат ҳудудидаги “учинчи сектор” ташкилотлари у ёки бу ижтимоий қатламлар ва гурухлар манфаатларини ифодалай олиши қобилиятига эга бўлгандагина фуқоролар улар фаолиятида иштирок этишга мойил бўладилар. Акс ҳолда эса фуқаролар нодавлат нотижорат ташкилотларига бефарқлик билан қарайдилар. Мамлакатдаги нодавлат нотижарат ташкилотларининг аксарият қисми ҳали ўзлари таянадиган ижтимоий қатламларни аниқлаштириб олмаганликлари ёки ўзларини бирон–бир ижтимоий қатлам манфаатларини ифодаловчи ташкилот даражасига етказа олмаганликлари учун ҳам улар фаолиятига фуқароларни жалб этиш муаммолари ўз ечимини топганича йўқ. Бундай муаммоларни ҳал этиш учун хоҳ ривожланган мамлакатларда хоҳ ривожланаётган мамлакатларда, аҳолининг ҳар бир қатламларида тарғибот ишларини олиб бориш лозим, энг чекка жойларга ҳам этибор берib у жойдаги фуқароларнинг фикрини ҳам инобатга олиш ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти билан таништириш зарур.

Бизга малумки, ўзини-ўзи бошқариш тизими бир-неча юз йилликларда шаклланиб, у XX асрга келиб демократик характер касб эта бошлади. Бу эса мамлакатлардаги ўзини-ўзи бошқариш органларини сайловлар йўли билан шакллантириш, улар фаолиятини молиялаштириш, фуқороларни ўзини-ўзи бошқаришда, сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнларидағи иштироки, мазкур органларни аҳоли ижтимоий–иктисодий аҳволини яхшилашдаги ўрни юксак мақомга кўтарилди. Миллий мусақиллик даврида Ўзбекисонда фуқоролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш ислоҳатлари шуни кўрсатди, фуқаролик жамияти инситутлари, ўз-ўзини башқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат бошқарувида ва сиёсий қарорлар қабул қилишдаги кенг ва фаол иштирокини таъминламоқда. Ўзбекисонда кучли

жамиятга ўтиш даврида ўзини-ўзи бошқариш органларини замонавийлаштириш ва эркинлаштиришга қаратилган ислоҳатлар жараёнлари натижасида миллий анъаналар ва халқаро тажрибаларни уйғунлаштиришга асосланган фуқаролик жамияти куришга доир ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Ўзини-ўзи бошқариш органларини эркинлаштириш соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда давлатнинг бош ислоҳотчи сифатида амалга оширилган чора-тадбирлари натижасида мамлакатда фуқоролик жамиятининг пойдевори шаклланди.

Фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнларидаги иштироклари муҳим демократик қадрият сифатида хар қандай мамлакатда ҳам ўзини-ўзи бошқариш органлари воситасида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам жамиятнинг демократлашиву ва ҳуқуқий давлат мақомига эришуви кўп жиҳатдан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш ишларида нечоғлик кенг иштирок этишларига боғлиқдир. Шунингдек, демакратиянинг моҳияти-фуқароларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидаги иштирокларида ўзаро тенглик бўлишини ва бу жараёнларда доимо озчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутган ҳолда қўпчилик овози асосида ҳуқуқий қарорлар қабул қилинадиган ўзини-ўзи бошқаришга бўлган қобилияти билан ифодаланади.

Дарҳақиқат мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётган бир даврда жамоатчилик назоратининг аҳамияти жуда катта, чунки жамоатчилик назорати демократиянинг энг муҳим талабларидан бири бўлиб, у фуқаролар, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари сингари фуқаролик жамияти инситутлари томонидан амалга оширилади. Унда асосий эътибор давлат ва ўзини-ўзи бошқариш фаолиятини

қонунчиликни таминлаш, мансабдор шахслар томонидан Конситутсия ва қонунлар талабининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилади. Бу сай харакатлар провардида давлат амалдорлари масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириб улар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қиласи. Ҳозирги ижтимоий –сиёсий ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишни қийинлаштироқда. Шунинг учун “Нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўз навбатида, жамоатчилик назоратини амалга оширишдан бошқа мақсадларда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг бошқа ишларига аралашмаслиги керак. Айни чоғда жамоатчилик назорати бошқарув ва ахоли ўртасида ўзаро муносабатларини яқинлаштириб умум давлат равнақига ҳизмат қиласи.

Фуқароларнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий фаоллигини таъминлашда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти таборо ортиб бормоқда. Шу мақсадда, масалан, одам савдосига қарши курашиш бўйича ўтган йили жойларда тузилган 8 мингдан ортиқ жамоатчилик кенгаши томонидан ушбу йўналишда ташкил этилган тадбирларда 710 мингдан зиёд ахоли, жумладан, ёшлар иштирок этди. Ҳудудий бўлим ва бўлинмалар, фуқаролар йиғинлари томонидан одам савдоси қурбони бўлган фуқароларга турли қўмак берилди. Ёшларда тероризм, диний экремизм, ҳар хил маънавий таҳдидларга қарши курашиш кўникамларини шакллантиришга қаратилган тушунтириш – тарғибот ишлари мунтазам олиб борилаётир. Ахоли бандлигини таъминлаш мақсадида 2010 йилда маҳалла фуқаролар йиғинлари кўмаги билан 2 минг 845 нафар киши ўқув курсларига юборилди, 7 минг 458 фуқаро ишга жойлашди”

Фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш жараёнида очик-ойдинлик ва ошкоралик каби демократик принципларни таъминлаш борасида тўпланган тажрибани

акс эттирувчи таҳлилий материалларни умумлаштириш ва аҳоли орасида кенг ёйиш, олимлар ва мутахассисларни жалб этиш, тегишли материалларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам эълон қилиб бориш йўли билан юқорида кўрсатиб ўтилган қонунларнинг моҳияти ва мазмунини кенг кўламда тушунтириш, шунингдек, бу соҳадаги қонунчилик базасини такомиллаштириш зарурлигини ҳам эътибор қаратилади. И.А.Каримов тақидлаганидек, Ўзбекисонда фуқаролик жамиятининг яшашини тамиnlайдиган асосий шарт шароитларидан бири, бу - давлат ҳокимияти ваколатларини чегаралаш, фуқаролик жамияти инситутларига жамиятда ўзини-ўзи бошқариш учун қанчалик зарур бўлса, шунчалик етарли ваколатлар бериш эканлиги масаласини кун тартибига қўяди.

Шунингдек, Президентимиз давлат ваколатларини жамоат инситутларига бериш асосида хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини куриш мақсадида қуидаги вазифани қўйди: “ҳақиқий миллий равнақقا биз факт давлат ҳокимияти вазифаларини қатъий ва мукаммал белгилаб ва шу билан бирга чекланиб қўйилган фуқаролик жамияти шароитидагинина эришмоғимиз мумкин. Бундай жамиятда давлатнинг бош вазифаси тараққиёт стратегиясини аниқ белгилаш ва уни ҳаётга жорий этиш учун қаттиқ назорат олиб бооришдан иборат бўлади. Ана шундай давлат ва жамиятни куриш, ҳақиқий демократик қадриятларни вужудга келтириш бизнинг бош концепсиямиз ва миллий равнақимиз асосидир”²⁹.

Ўзбекисонда фуқаролик жамиятининг шакилланиши фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштироқини амалга ошириш билан узвий равища боғлиқ ҳолда кечади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки давлат ҳокимияти органлари усидан жамоатчилик назоратининг

²⁹ Каримов И.А. “Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг ассий тамойиллари // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, Т-3. Т.: Ўзбекистон 1996, Б. 12.

ўрнатилиши фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шартларидан биридир . Президентимиз давлат назорати функциясига нисбатан жамоатчилик назоратининг афзал ва муҳим эканлиги хусусида тўхталиб қўйидагиларни таъкидлайди: “Шуни унутмайликки , биз давлатнинг назорат функциясини кучайтирсак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан хамжамият назоратини ҳар тамонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим . Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ”.

Фуқаролик жамияти инситутлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назоратини аввало жамоат ташкилотлари – сиёсий партиялар, маҳаллий ўзини – ўзи бошқариш органлари, касаба уюшмалари ва бошқа ташкилотлар фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади . Жамоатчилик назорати жамиятда ижтимоий адолат қарор топиши учун шаҳс, давлат ва жамият алоқаларида мувозанат тенглик ўзаро масулият ва жавобгарликка ҳизмат қилувчи асосий омил ҳисобланади . Маскур инситут инсоннинг хуқуқ ва эркинликлари нафакат давлат томонидан кафолатланган балки давлат органлари фаолиятида устувор аҳамиятга эга эканлигини таъминлайди ва бундан жамоатчилик назоратининг мавжудлиги сиёсий ҳокимиятнинг том майнода халқ қўлида эканлигини кўрсатади.

Президентимиз “Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизатсия ва ислоҳ этиш” номли асарида, ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган қонун

ва хуқукий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ва уларга қўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқиш, ўзини-ўзи бошқариш органлари-маҳалла, маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролар йиғинларининг роли ҳамда ваколатларини амалда кучайтириш лозим.

Бундан ташқари сиёсий партиялар ва фуқаролик инситутларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва тасирини тубдан кучайтириш, шу муносабат билан партиялар аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозониш мақсадида изчил ишлар олиб бориши аҳолининг турли ижтимоий ва социал гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, мамлакатда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий инситутлари бўлган ноҳукумат ва жамоат ташкилотларининг нуфузи ва тасирини оширишга катта эътибор берилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаган.

Одамлар онгига демократик қадриятларни мусаҳкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаровий фаоллигини оширишда мамлакатда рўй берәётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш сиёсий партиялар ва нодавлат ноҳукумат жамоат ташкилотларининг жамиятда мавқеи мусаҳкамланиши билан, улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти усидан жамоатчилик назоратининг асосий воситасига айланди. Шуни ҳам таъкидлашга тўғри келадики уларнинг айримлари турли ҳомийлик қўмагида тузилган нодавлат нотижорат ташкилотларини текшириш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бундай ташкилотлар фаолияти улар рўйхатдан ўтиш чоғида тақдим этган ва дасурлари доирасидан анчагина четга чиқиб кетмоқда ва муайян буюртмага асоссанланган мақсадни кўзлайди. Табиийки, биз бу ҳолатлар билан муроса қила олмаймиз, қонунчилигимизга зид бўлган бу каби

лойиҳаларнинг Ўзбекисонда келажаги йўқ”³⁰ деган фикрлари ҳозирги кунда ўз исботини топмоқда десак адашмаган бўламан.

Хулоса қилганда, Ўзбекисон жамиятининг барча соҳаларида чуқур инситусионал ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Жамиятда кўп партиявийлик тизими шаклланди, партия ва давлатдан ҳоли бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлар тизими ва ўзини-ўзи бошқариш органлари давлатдан ажратилди.

Коммунистик мафкура ўрнига мафкуралар плюрализмига ўрин берилди, миллий қадриятлар ва миллий манавият мамлакат халқининг асосий дунё қарашига айланиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилди. Барча қонунларни демократик тамоиллар асосида қабул қилиш тажрибаси шаклланди. Натижада мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг шаклланиши учун сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва манавий шарт-шароитлар яратилганини кўришимиз мумкин.

Ўзбекисонда давлатнинг бош ислоҳотчилик фаолияти натижасида мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуришнинг пойдевори- конситусиявий ва ҳуқуқий шарт – шароитлар яратилди. Ислоҳотлар натижасида мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ўзини-ўзи бошқариш органлари тизими шаклланиб фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида фаол иштирок етиб келмоқда. Муҳими “учинчи сектор” билан давлат ҳамкорлиги натижасида давлат ва жамият ишларини бошқариш учун кенг имкониятлар яратилди.

³⁰ Каримов И.А., Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш. Т.: Ўзбекистон, 2005. В. 39-41.

II. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ МАСАЛАСИННИГ ҚЎЙИЛИШИ.

2.1. Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама етук бўлиб вояга этишига яратилган шарт-шароитлар таҳлили.

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, иқтидорларини намоён этишлари учун етарлича шароитлар яратиб берилган. Бунга жавобан охирги пайтларда ёш ватандошларимиз ҳам берилаётган эътибор, қилинаётган ғамхўрликдан одилона фойдаланиб, кўплаб соҳаларда ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш этмоқдалар.

Илм олиш, ўрганиш, янгилик яратишга интилиш, бунёдкорлик ва ташаббускорлик ёшлик даврига хос бўлган асосий ижтимоий-генетик ҳодисалардан ҳисобланади. Бу ёшларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб камол топиши, келажакда мамлакатимиз ривожи ва тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган етук кадрлар бўлиб этишишини таъминловчи асосий омилдир.

Иқтидор, истеъдод, ижод қилишга мойиллик болаларда мактаб ёшидан пайдо бўла бошлайди. Фақат уни сезиш, тўғри йўналтириш, ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш лозим.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ҳам иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни ривожлантиришда қўмаклашиш, қўллаб-куватлаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Таълим муассасаларида ўқиётган истеъдодли ва қобилиятли йигит-қизларни аниқлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини тўла-тўқис рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, маънавий ва моддий жиҳатдан қўмаклашиш Ҳаракатнинг Дастурий вазифаларидан бири қилиб белгиланган.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларнинг турли соҳалар бўйича иқтидор ва истеъдодга эга бўлишини эътиборга олган ҳолда, бу борадаги ишларини ташкил этишда барча жабҳаларни қамраб олишга ҳаракат қилинмоқда.

Ёшларнинг иқтидори ва истеъдодини турли фан соҳалари бўйича аниқлаш ва ривожлантириш мақсадида “**Сиз тарихни биласизми?**”, “**Сиз қонунни биласизми?**” кўрик-танловлари; табиий етакчилик қобилиятини аниқлаш ва ривожлантириш бўйича “**Сардорлар олимпиадаси**” лойиҳаси; ёшларнинг санъат соҳасидаги иқтидорли ва истеъдоди ривожлантириш бўйича “**Янги авлод**” болалар ижодиёти фестивали, “**Қувноқлар ва зукколар**” кўрик-танлови; ёшларнинг ижодий яратувчанлик қобилиятини ривожлантириш бўйича “**Келажак овози**” Республика мегатанлови, “**Менинг ғоям**” ихтиро ва кашфиётлар танлови; ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш бўйича “**Заковат**” интеллектуал телелойиҳаси, “**Камалак билимдонлари**” лойиҳаси; иқтидорли ва фаол ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича “**Камолот**” стипендияси, “**Камолот**” таълим гранти лойиҳалари; ёшлар ўртасида илмий-ижодий ҳамкорлик муҳитини яратиш бўйича “**Талабалар баҳори**” фестивали, “**Талабалар фестивали**” лойиҳаси, “**Аълочилар анжумани**” ташкил этиб келинмоқда.

Юқорида санаб ўтилган “Камолот” ижтимоий ҳаракати томонидан амалга оширилаётган ёшларни интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган лойиҳаларнинг айримларига тўхталиб ўтмоқчиман.

Умумтаълим мактаби ўқувчилари ўртасида “**Сиз тарихни биласизми?**” кўрик-танлови ташкил этиб келинмоқда. Танловда 2007 йилда **34 843** нафар, 2008 йилда **40 641** нафар, 2009 йилда **40 246** нафар, 2010 йилда **45 400** нафар, 2011 йилда **54 500** нафардан ортиқ ўқувчилар иштирок этди.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танлови ташкил этиб келинмоқда. Танловда 2007 йилда **13110** нафар, 2008 йилда **12 272** нафар, 2009 йилда **16 082** нафар, 2010 йилда **17 800** нафар, 2011 йилда **19 300** нафардан ортиқ ўқувчилар иштирок этди.

Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми жамғармаси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргалиқда ўтказиб келинаётган “Келажак овози” Республика мегатанлови ёшларда яратувчанлик, қашфиётлар қилишда иштиёқини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Буни иштирокчилар сони йилдан йилга ошиб бораётганида кўришимиз мумкин. Танловда 2007 йил **32 минг** нафар, 2008 йил **56 минг** нафар, 2009 йилда **65 минг** нафар, 2010 йил **75 минг** нафар, 2011 йил **100 минг** нафарга яқин ёшлар танловда иштирок этди. Иштирокчилар 4 йўналиш ва 15 та номинация бўйича беллашдилар. Танлов натижаларига кўра **45 нафар** ёшлар турли номинациялар бўйича ғолиб деб топилди.

Санъат соҳасидаги иқтидорли ва истеъоддли болаларни аниқлаш бўйича Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказилиб келинаётган “Янги авлод” болалар ижодиёти фестивали бугунги кунга қадар **70 000** нафардан ортиқ болаларни қамраб олган. 2008 йилда ушбу фестивалга **15 минг** нафар, 2009 йилда **18 минг** нафар, 2010 йилда **23 минг** нафардан ортиқ болалар жалб этилган.

“Камолот” стипендияси – талабаларнинг Ҳаракат фаолиятини самарали ташкил этишдаги фаоллиги, ташаббускорлиги, ижтимоий-сиёсий, маънавий ва хуқуқий саводхонлигига қараб бериладиган рағбатлантирувчи мукофотdir. “Камолот” стипендияси танловида 2007 йилда **408** нафар, 2008 йилда **495** нафар, 2009 йилда **520** нафар, 2010 йилда **840** нафардан ортиқ талабалар иштирок этди. 2007-2010 йиллар мобайнида Республика олий

таълим муассасаларидан **78** нафар талаба “Камолот” стипендияси соҳиби бўлган.

Талабаларнинг иқтидори ва истеъдодини қўллаб-қувватлаш, улар орасида учрайдиган иллатлар, муаммо ва камчиликларни юмористик тарзда олиб чиқиб, уларга қарши курашиш мақсадида Республика олий ўқув таълим муассасалари ўртасида рус ва ўзбек тилларида «**Қувноқлар ва зукколар**» кўрик-танлови ташкил этилади. Танловда 2007 йилда кўрик-танловда **16та**, 2008 йил **22та**, 2009 йил **28 та** жамоа, 2010 йилда **40** та жамоа 2011 йилда **58та** жамоа иштирок этди. Кўрик-танловнинг ярим финал ва финал ўйинлари Тошкент шаҳридаги “**Туркистон**” саройида ўтказилди. Йил давомида кўрик-танлов **25 минг** нафардан ортиқ ёшлар аудиториясини қамраб олди.

2010 йил ноябрда Бухоро шаҳрида “**Талабалар фестивали**” ташкил этилди. Фестивалнинг очилиш маросими “**Қўхна ва боқий Бухоро**” мажмуаси амфитеатрида бўлиб ўтди. Унда Республикадаги барча олий ўқув юртларидан **500** нафар иқтидорли талабалари, Бухоро вилоятидан **2800** нафардан ортиқ, жами **3300** нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди. “Талабалар фестивали” доирасида “Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг ўрни” мавзуида, “Ёшлар ва мамлакатни инновацион ривожлантириш” мавзуидаги илмий-амалий конференциялар, “Олий таълим муассасалари куни” кўргазмаси, “Қувноқлар ва зукколар” кўрик-танлови, “Етакчилар форуми”, 12 та йўналиш бўйича мастер-класслар, спортнинг 6 та тури бўйича мусобақалар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги «*Ўзбекистон Республикасининг Қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада тақомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида*»ги ПҚ-213-сон Қарорига мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, тавсиянома билан ўқишига қабул қилинган талабалар Харакат

фаолиятида фаол иштирок этган тақдирда, уларнинг контракт-тўловининг 35 фоизи тўлаб берилади.

2006-2007 ўқув йилида **2731** нафар, 2007-2008 ўқув йилида **6478** нафар, 2008-2009 ўқув йилида **9628** нафар, 2009-2010 ўқув йилида **14 533** нафар, 2010-2011 ўқув йилида **11 046** нафар муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ўқишига қабул қилинган талabalар “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан моддий қўллаб-қувватланди.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан кенг жамоатчиликнинг иштирокида иқтидорли болалар ва ўсмирларга, талabalарга, ёш олим ва ижодкорларга ҳомийлик тизимини шакллантириш, хусусан, ёш ихтирочиларнинг илмий тадқиқотлари ва қашфиётларини амалиётда қўллашига, маъмурий-идоравий тўсиқларсиз, сансалорликсиз, бевосита ишлаб чиқариш тармоқларида синаб кўрилишига ҳамда ялпи ишлаб чиқаришга жорий этилишига амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Олий таълим муассасалари талabalari ўртасида **“Камолот”-таълим гранти** танлови ташкил этилди. “Камолот” таълим гранти - кам таъминланган иқтидорли талabalарни ижтимоий қўллаб-қувватлашга кўмаклашишга қаратилган лойиха ҳисобланади. Танловда 2007 йилда **272** нафар, 2008 йилда **405** нафар, 2009 йилда **580** нафар, 2010 йилда **880** нафар талabalар иштирок этди. 2007-2010 йиллар мобайнида **92** нафар талabalар “Камолот”-таълим гранти совриндорлари бўлишиди. Уларнинг **контракт-тўловининг 50 фоизи** Ҳаракат томонидан тўлаб берилди.

Ёшлар томонидан ташабbus қилинган лойиҳалар, ихтиrolар ва қашфиётларни амалга ошириш ва имтиёзли микрокредит маблағлари билан таъминлашга кўмаклашиш бўйича **“Ёш тадбиркор-юрга мададкор”** лойиҳаси ташкил этилди. Бугунги кунга қадар **1192** нафар ёшларнинг

лойиҳаларини амалиётга тадбиқ этиш учун **3.6 млр.** сўм микрокредитлар ажратилишида қўмаклашилди.

Шунга ўхшаш “**Ёш тадбиркор камолоти-қишлоқ тараққиёти кафолати**” танлови ташкил этилди. Танловда **2100 нафардан** ортиқ ёшлар иштирок этиб, **34 нафариға имтиёзли кредит олишлари** учун тавсияномалар берилди.

Жорий йилда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ёшлар томонидан ташаббус қилинган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишда қўмаклашиш мақсадида “**Кичик грантлар Дастури**” лойиҳаси ташкил этилди. Мазкур лойиҳа учун Марказий Кенгаш ҳисобидан **20 млн.** сўм маблағ режалаштирилган. Бугунги кунга қадар Гулистон давлат университети талабаларининг “**Қишки фаоллар мактаби**” лойиҳаси, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент филиали талабаларнинг “**Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳудудий омиллари**” мавзуида талабалар форумини ташкил этишда ҳомийлик қилинди.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан мамлакатимиз тараққиётига хизмат қиласиган, замонавий фан-техника ютуқлари билан боғлиқ истиқболли мавзулар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган ёш олимлар ва мутахассисларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

2010 йилда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг “**Ёш олимлар учун стипендия**” таъсис этилди. Стипендия - энг кам ойлик иш ҳақининг З баравари миқдорида бир йил давомида тўлаб борилади. Лойиҳа ёш олимларнинг илмий-ижодий иши ва фаолияти қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларга ташкилий, илмий-услубий ёрдам кўрсатиш, яратган янгилигини амалиётга тадбиқ этишида қўмаклашишга қаратилган. Танловда

30 ёшгача бўлган **53 нафар** ёш олимлар (фан номзодлари) иштирок этиб, табиий фанлар, аниқ фанлар ва ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишлари бўйича **14 нафар** иштирокчилар танлов ғолиби бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 4 августдаги ПФ-3290 - сонли Фармонига мувофиқ, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан фан ва техника, маданият, адабиёт ва санъат соҳасида юксак муваффақиятга эришган ёш олимлар ва ижодкорлар **“Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони** билан тақдирлаб келинмоқда.

«Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан миллий маънавият, маданий мерос ва умуминсоний қадриятлар негизида юксак ватанпарварлик, халқпарварлик, фидойилик туйғусини ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, Ватанимиз обрўси, шон-шуҳрати ва шарафини юксалтиришга ҳамда унинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилаётган, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб намуна кўрсатаётган ёшлар тақдирланадилар.

2003 йилдан ҳозирги вақтгacha “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони билан **247 нафар** фаол ёшлар тақдирланди.

Тақдирланган совриндорлар фан, таълим ва соғлиқни сақлаш; маданият, маънавият ва маърифат, санъат, ОАВ; тадбиркорлик, фермерлик, ва ҳунармандчилик; ишлаб чиқариш; Қуролли кучлар ва ҳуқуқ-тартибот ҳамда спорт каби йўналишларда юқори кўрсаткичларга эришган фидойи ёшлар хисобланади.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш соҳасида қуидагиларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда *иқтидорли ёшлар тўғрисида маълумотлар банкини яратиш ва улар билан узлуксиз ишлашнинг ягона тартибини* ишлаб чиқиб, амалиётга тадбиқ этиш режалаштирилган. Бу иқтидорли ва истеъдодли, бирон соҳани ривожлантиришда фаол иштирок этиш, янгилик яратиш, кашфиётлар қилиш қобилиятига эга бўлган ёшларни аниқлаш, кашф қилиш, улар тўғрисида маълумотлар базасига эга бўлиш, мониторингини олиб бориш, иқтидорли ёшларнинг қобилияти, салоҳияти ва шиҷоатидан унумли фойдаланиш ҳамда уларнинг келгуси фаолиятини тўғри йўналтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан “Ёш олимлар” жамиятини тузиш режалаштирилган. “Ёш олимлар” жамияти ташкил этилиши ёш олимлар ўртасида илмий-ижодий ҳамкорлик муҳитининг яратилиши, мониторинг юритиш, ёш олимларни қийнаётган муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишда кўмаклашиш имкони туғилади, шунингдек, жамият илмий фаолият билан қизиққан талабалар учун консультатив мактаб вазифасини ўтайди.

2.2. Ёшлар тарбиясида “камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни.

Мустақилликнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, ёш авлод онгига Ватанга муҳаббат, истиқололга садоқат туйғуларини сингдиришда миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда анъана ва урф-одатларимиздан ёшлар тарбиясида фойдаланиш ҳозирги даврнинг муҳим масалаларидан ҳисобланади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий ислоҳотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралар экан, бу борада «Камолот»

ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаолиятини ана шу муҳим соҳага йўналтиришни тақозо этади.

Маълумки, Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати II қурултойида ҳаракатнинг янги таҳирдаги Дастури қабул қилиниб, ушбу дастурда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг мақсад ва вазифалари белгилаб қўйилди. Унда “Мамлакатимиз ёшларини озод ва обод Ватан яратишдек улуғ мақсад йўлида бирлаштириш, уларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, мустақил Ўзбекистоннинг жисмонан соғлом, етук, дунёқараши теран, мустақил фикрловчи, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган демократик тамойилларни, бозор иқтисодиёти асосларини чуқур эгаллаган фуқароларни вояга етказишга ҳар томонлама кўмаклашиш, ўсиб келаётган авлоднинг инсон хуқуқлари ва қадр-қимматини улуғлашга, халқимизнинг обрўси ва нуфузини, юртимизнинг шон-шуҳратини оширишга хизмат қиласиган узоқ муддатли, кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлашдан, ҳаракатни чин маънодаги ёшларнинг суюнчи ва таянчига айлантиришдан иборатдир”, – деб алоҳида таъкидланади .³¹

Юқоридаги мақсад асосида ҳаракат ўз олдига қўйидаги 6 йўналиш бўйича асосий вазифаларни белгилаб олди. Булар:

I йўналиш – демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш соҳасида белгиланган вазифалар. Бунга:

– давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш борасидаги сиёсий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига сингдириб бориш;

1. ³¹ Ўзбекистон Республикаси “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати дастури ва устави (янги таҳирда). – Тошкент: ASR EKSPRESS media, 2007. – 47 б.

- ёшларнинг хуқуқий билимларини ошириш орқали уларнинг жамият ҳаётида онгли фуқаро, эркин шахс сифатида иштирок этишларини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикаси ва қонунларининг асосий тамойилларини кенг тарғиб қилиш мақсадида болалар ва ўсмирларнинг ёшига мос қўргазмали, видео ва аудио ашёлар, босма нашрлар тайёрлаш ва маърифий тадбирлар уюштириш;
- ёшларнинг етакчилик қобилиятини ривожлантириш, уларни давлат ва жамият бошқарувида иштирок этишга тайёрлаш;
- ҳудудий ва маҳаллий бўлимлар қошида «Етакчилар ва сардорлар мактаблари»ни ташкил этиш ҳамда унинг фаолияти жараёнида ёшларда раҳбарлик, ташкилотчилик, ташаббускорлик қобилиятларини намоён этишига йўналтириш;
- ёшларнинг билими, иқтидори ва салоҳиятига таянган ҳолда, ҳар бир йигит-қизнинг Ватан равнақи, эл-юрг тинчлиги, халқ фаровонлигига хизмат қиласидан интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали «Кучли давлатдан кучли жамият сари» тамойилини юзага чиқариш кабилардан иборат эди ³².

II. Маънавий-маърифий соҳа йўналишида эса:

- ёшларда миллий ғурур туйғуларини ошириш, Она диёрига меҳр-муҳаббат, эътиқод, жасурлик ва фидойилик руҳида тарбиялашга мўлжалланган ташкилий, тарбиявий, маънавий-маърифий тадбирлар стратегиясини белгилаш ва амалга ошириш муҳим масалалардан этиб қўйилди.

³² Ўзбекистон Республикаси “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати дастури ва устави (янги таҳрирда). – Тошкент: ASR EKSPRESS media, 2007. – 4-5 б.

Шунингдек, ёшларнинг ахборот хуружлариға қарши фаол фуқаролик нуқтаи назарини ва мустаҳкам мафкуравий иммунитетни тарбиялаш, ёш авлодни Ўзбекистон Конституциясига, давлат рамзлариға чуқур хурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялашнинг таъсирчан тизимини яратиш, барча таълим-тарбия муассасаларида, аҳоли тураг-жойлари, ишлаб чиқариш соҳаларида маънавий-руҳий мухитнинг ахволини, ёшларнинг фаолиятини, мақсад ва муддаоларини ўрганиб бориш асосида ижобий анъана ва ташаббусларни кўллаб-куватлаш, мавжуд муаммоларни ёшларнинг онги ва дунёқарашига таъсирини таҳлил этиш, нуқсонларни бартараф этишнинг самарали чораларини кўриш, таълим муассасаларида ўқув жараёнлари самарадорлигини оширишга қаратилган ижтимоий сўровлар ўтказиш, ёшларнинг фикр-мулоҳазалари, мақсад ва интилишларини ўрганиш ва уларнинг талаф ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда баҳс ва мулоқотлар ўтказиш, зарур хулосалар чиқариш ва тегишли таклифлар киритиш ҳам муҳим тарбия омили саналади;

– маърифий тарғибот ишларининг шаклан ва мазмунан уйғулигини, тизимлилигини, аниқ мақсадга йўналтирилганлигини таъминлаш мақсадида маъруза, сұхбат, баҳс-мунозара, семинар ва конференциялар, оммавий-маданий, спорт тадбирлари, оммавий ахборот воситалари орқали мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг, қабул қилинаётган қонунларнинг, қарорлар ва фармонларнинг моҳиятини ёшларга етказиш ва уларнинг кундалик фаолият дастурига айлантириш, ўзбек халқининг бебаҳо маънавий меросидан ёшларимизнинг мунтазам ва тўлақонли баҳраманд бўлишига, уларнинг ҳам миллий, ҳам замонавий маънавий мухитда камол топишига эришиш, ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, эзгу ғояларини ёш авлод қалбига сингдиришга доир тадбирлар мажмuinи ишлаб чиқиш, халқаро терроризм, диний экстремизм ва фундаментализмнинг барча кўринишларига, маънавият ва

маданиятимизга нисбатан қилинаётган хуружларга, юртимиз тинчлиги ва осойишталигига раҳна солувчи, ёшларнинг иймон ва эътиқоди ва ишончини чалғитувчи, онгини заҳарловчи, тўғри йўлдан оздирувчи ҳар қандай ғоя ва мафкураларга қарши муросасиз курашчанлик муҳитини яратиш ва ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоялаш, вазиятни тўғри таҳлил этишларига ёрдам бериш мақсадида уларни ахборот материаллари билан таъминлаб бориш, ҳаётимизда учрайдиган иллатлар – порахўрлик, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, ург-аймоқчилик, гурухбозлик, мансабпарамастлик, ичкиликбозлик, қонунбузарликнинг барча кўринишларига, хориждан кириб келаётган миллий маънавиятимизга ёт бўлган иллатларга қарши ёшларнинг кескин муросасиз муносабатини шакллантириш ҳам долзарб муаммолардан, деб кўрсатилади. Ёшлар ўртасида атроф-муҳитни, Ватанимизнинг бетакрор табиатини асраб-авайлаш, муҳофаза қилишга йўналтирилган экологик тарбиянинг самарали усулларидан мунтазам фойдаланиш, болалар ва ўсмирлар учун бадиий адабиётлар, санъат асарлари яратилишини ривожлантириш мақсадида кўрик-танловлар ташкил этиш, замонавий қаҳрамонлар тимсоли яратилган энг яхши асарларни мукофотлаш тизимини йўлга қўйиш ҳам ҳаракатнинг долзарб муаммоларидан, деб кўрсатилади³³.

Бундан ташқари ижтимоий-иқтисодий, ёшларнинг истеъодод ва қобилияtlарини қўллаб-қувватлаш, спорт ва жисмоний тарбия, ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, халқаро фаолият соҳаларида ҳам муҳим вазифалар белгиланганки, биз бу соҳаларни маънавий-маърифий соҳадаги вазифалар билан уйғун ҳолда қараб чиқишига ҳаракат қиласиз.

Чунончи, ижтимоий-иқтисодий соҳада ёшларни жаҳон фани ва маданияти, замонавий технологияларни, хусусан ахборот

³³ Ўзбекистон Республикаси “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати дастури ва устави (янги таҳрирда). – Тошкент: ASR EKSPRESS media, 2007. – 6-9 б.

коммуникацияларини пухта ўзлаштириш орқали фан ва миллий маданиятимизни замонавий тараққиёт чўққисига кўтаришга ёрдамлашиш назарда тутилади.

Турли тўгараклар, ижтимоий ёрдам марказлари, клублар орқали ёшларни касбга йўналтириш, тадбиркорлик қобилиятини ривожлантиришга, бозор иқтисодиёти тамойилларини ўрганишлари, етук мутахассислар бўлиб этишишларига қўмаклашилади.

“Ёшларнинг истеъдод ва қобилиятларини қўллаб-қувватлаш” соҳасида эса таълим муассасаларининг барча турларида таълим олаётган ёшларнинг, талаба-ўқувчиларнинг истеъдоди ва қобилиятларини аниқлаш орқали уларнинг ўз интеллектуал салоҳиятини тўла-тўқис рўёбга чиқаришларига шарт-шароитлар яратиш ва моддий қўмаклашишга, ушбу йўналишда маданий-маърифий ва таълим-тарбиявий тадбирлар кўламини кенгайтиришга эътибор берилади.


Спорт ва жисмоний тарбия, ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш соҳасида ёшлар орасида жисмоний баркамолликни тарғиб қилиш, спортнинг оммавий ва миллий турларини, халқ ўйинларини ривожлантиришга, турли мусобақа ва турнирлар ўtkазиш, қишлоқ жойларда спортни оммалаштириш, спорт иншоотлари, болалар спорт майдончаларини “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан оталиққа олиш, улардан самарали фойдаланиш, спорт мусобақалари, олимпиада ва универсиадаларни ташкил этишда фаол иштирок этишга эришиш зарур ҳисобланади.

Халқаро фаолият соҳасида эса ёшларнинг хорижий ёшлар ва болалар ташкилотлари билан тажриба алмашиш, умумбашарий маданий ва маърифий қадриятларини ўрганиш, уларни билиш, халқаро алоқалар ўрнатиш, халқаро анжуманлар, кўрик-танловлар, фестиваллар ва спорт мусобақараларида иштирок этишини ривожлантиришга ҳаракат назарда тутилади.

Айниқса, ҳозирги шароитда ёшларни ҳар қандай мафкуравий хуружлардан асраш ва тажовузларга қарши курашда огоҳликни кучайтириш долзарблик касб этмоқда.

Демак, Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати дастурига асосланиб, маънавий-ахлоқий қадриятлар ёшлар тарбиясида унинг фаолияти андозасини қуидагича белгиладик:





2.1.1.-расм. Ёшлар тарбиясида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг андозаси

Ушбу андоза асосида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ўз фаолиятида маънавий-маърифий, ижтимоий-хуқуқий, хуқуқий тарғибот, ҳарбий ватанпарварлик, спорт-соғломлаштириш бўйича 15,5 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотларда иш олиб бормоқда. Мазкур ташкилотларда ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси, уларнинг бўш вақтларини ташкил этиш, маданий-спорт алоқаларини йўлга қўйиш борасида ишларни олиб бориш назарда тутилган. Масалан, маънавий-маърифий соҳада қўйилган вазифаларни амалга оширишда эътибор асосан мустақилликни мустаҳкамлаш, истиқлолга садоқат туйғуларини шакллантириш, миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз, Ватанга муҳаббатни тарбиялаш каби улуғвор масалаларга қаратилди.

Бунинг учун эса таълим муассасаларининг барча бўғинларида таълим ва тарбиянинг самарадорлигини ошириш учун ёш авлоднинг замонавий билимлар билан қуроллантириш, уларнинг истиқболли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, маданий савиясини замон талаби даражасига кўтариш, ёшлар истеъдодини юзага чиқаришда замонавий билимлар билан қуроллантириш, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш назарда тутилади.

Бу борада ёшларни замонавий билимлар билан қуроллантиришда таълим жараёнига ахборот технологияларини киритиш, компьютер техникасини чуқур эгаллаш, янги, илғор технологияларни қўллашнинг самарали метод ва шаклларини ишлаб чиқиш тақозо этилади. Айниқса, ҳар бир ўқитувчининг ўз фанига ва ёшларни таълим-тарбиясига доир ахборотларни чуқур ўрганиб, уларни ўз педагогик фаолиятида қўллай олишига эришиш зарур. Бунинг учун фан асосларини ёшларга етказишида назария билан амалиётни уйғунлаштирган ҳолда янги педагогик ва ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш малакасини шакллантириб борилиши мақсадга мувофиқ.

Замонавий ахборот технологияларининг таълим тизимида жорий этилиши талаба-ёшларнинг касбий билимларни эгаллашлари ва уларда ахборот маданиятининг шаклланиши, ўрганилаётган фанни чуқур ўзлаштириш, уларнинг мустақил фаолиятининг кенгайиши, интерфаол методларнинг жорий этилиши асосида таълим жараёнини индивидуаллаштириш, гуманитарлаштириш, дифференциаллаштиришга эришиш, ўрганилаётган фан асосларини компьютер технологияларини қўллаш асосида талабаларда билим олишга бўлган қизиқиш уйғотиш ва уларнинг фаоллигини оширишни назарда тутади. Хуллас, истиқболда таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнини янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор технологиялар билан таъминлаш, таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим

тизимини жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ қамраб олиш назарда тутилади. Буларнинг барчаси ҳар бир ёшнинг замонавий билимларни эгаллашига тўлиқ имконият яратади, ёшлар тарбиясида ватанпарварлик ва миллий ғурурни шакллантириш, уларда билим олиш, меҳнат қилиш, атроф-муҳитга муносабатда лоқайд бўлмаслик каби хислатларни таркиб топтиради. Чунки ҳозирги пайтда ҳаётда ўз Ватани қадрини юракдан ҳис қилмасдан, унинг равнақи учун меҳнат қилмасдан енгил-елпи ҳаёт кечираётган ёшлар ҳам учраб турибди. Албатта, бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этади.

Бекорчилик, лоқайдлик эса жиноят қилишга олиб келади. Шунга кўра, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, бўш вақтини тўғри ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Зеро, ҳуқуқий маданиятга эга инсон ҳеч қачон жиноятга қўл урмайди, унинг оқибатини ўйлади.

Ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш, ёшлар китобхонлигини ошириш, театр, музей ва концертларда маданий ҳордик чиқаришга йўналтириш, уларда маънавий маданиятнинг шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди. Лекин шу ўринда ёшларнинг бу маданият масканларига боришга тайёрлигини ҳам ҳисобга олмоқ зарур. Чунки, мазмунан саёз спектакллар, бадиий жиҳатдан бўш асарлар ёшларни санъатга ошно этиш ўрнига бўш вақтини бесамар, айшу ишратларга сарфланишига олиб келади.

Бугунги кунда ёшларимизнинг ҳам интеллектуал, ҳам маънавий-ахлоқий шаклланишига катта тўсиқ бўлаётган иллат бу – жиноятчилик, терроризм, гиёҳвандлик, табиий муҳитнинг ифлосланиши, ОИТС оғатидир. Агар бу оғатларга қарши ёшларимизнинг ўзи бирлашмаса, тараққиётнинг ҳозирги ахволида барқарорлик орқага чекинади.

Гиёхванд моддаларни қабул этадиганлар ўртасида ОИТСнинг тарқалиши янада хавфли муаммога айланмоқда. Маълумотларга кўра, 2000 йилнинг июнига қадар жаҳон бўйлаб ОИТС вируси 34 млн. дан ортиқ одамга юқсан. Кўп мамлакатларда вируснинг тарқалишига укол воситасидаги гиёхвандлик сабаб бўлмоқда³⁴.

Гиёхвандлик ёшларни пул топиш йўлида турли оқимларнинг қутқисига учиб, нотўғри йўлларга кириб кетишига олиб келмоқда. Бунинг оқибатида баъзи ёшлар террористик ҳаракатлар содир этишнинг иштирокчиси бўлиб қолмоқдалар.

Мазкур салбий иллатларнинг барчаси бекорчилик, меҳнат қилмасдан енгил-елпи йўллар билан пул топиш, бойлик орттириш илинжида ёшларнинг қимматли вақтларини, ҳаётининг олтин даврини самарасиз ўtkазишларига олиб келмоқда.

Маълумки, ҳозирги даврда жамият янгиланяпти. Ана шу ўзгаришлар, янгиланишлар шу жамиятда яшовчи ҳар бир ёшни янги ижтимоий-иктисодий шароитларда унинг барча имкониятларини ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда шу жамиятда яшовчи шахсни тарбиялаш йўлларини излаб топишга йўллайди. Чунки ҳозирги ўзгараётган ҳаётда баъзи ёшлар янги шароитда яшаш ва ишлашга, қийин вазиятлардан чиқиб кетишига йўл топа олмаяптилар, баъзиларида эса юқорида айтганимиздек, ўз истеъоди ва имкониятларини юзага чиқаришда событлик етишмаяпти. Бугунги кунда ана шу ўзгаришлар, янгиланишлар шароитида мустақил ҳолда ўзига тўғри йўл топа оладиган, барча имкониятларини юзага чиқара оладиган эркин, ижодкор шахсни – баркамол ёшларни тарбиялашда таълим муассасаларининг бошланғич ташкилотлари ҳам фаол иш олиб боришлари муҳим. Бу эса, ўз навбатида, таълим-тарбия соҳасида янгиланишлар заруриятини келтириб чиқаради.

³⁴ Мингийиллик маъruzаси / Талабалар учун қисқа баён.– Тошкент, 2003.– 5-6 б.

Зеро, шахснинг шаклланиши бутун умр давомида, барча жараёнларда давом этади. Бу жараёнда жамиятимиздаги барча ёшларни баркамол ва соғлом этиб тарбиялаш учун уларни замонавий ва миллий рухда билим олишга, мустақил фикр юритиш, меҳнат қилишга ўргатиш, ижодий қобилияларини юзага чиқариш имкониятларини яратиб бериш, тарбиянинг илғор шакл ва методларидан фойдаланиш муҳим. Бунинг учун:

- таълим муассасаларида турли танловлар ўтказиш, тарбиявий таъсир кўрсатишида оммавий ахборот воситалари материаллари билан таништириб бориш, миллий ўзлигимиз, қадриятларимизни, илм-маърифат учун курашган давлат арбоблари, мутафаккирларнинг фаолиятини ўрганиш;
- ёшларни қизиқтирган масалалар бўйича мутахассислар – хукуқшунослар, шифокорлар, фан-маданият арбоблари билан доимий равиша суҳбатлар, савол-жавоб кечалари, маъruzалар, мунозаралар ўтказиш;
- диққатга сазовор жойларга, маданият масканларига саёҳатларни узлуксиз уюштириб бориш;
- турли соҳалар бўйича иқтидорли, ижодкор ёшларнинг беллашув, танлов, фестиваллар, илмий анжуманларда иштирок этишига эришиш;
- ёшларни ахборот тизимларидан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиш;
- ёшларнинг касб-хунар ўрганишга қизиқишини уйғотиш учун уларни тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолиятига кенг йўл очиш;
- диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, ОИТСнинг олдини олиш мақсадида соғлом турмуш маданиятини шакллантиришга ўйналтирилган мутахассислар билан жонли мулоқотлар ўтказиш;
- “XXI аср ёшлари – улар қандай бўлиши керак?”, “Соғлом турмуш тарзи – соғлом авлод кафолати”, “Наркоманиясиз ҳаёт барпо этиш сизнинг

қўлингизда!”, “Терроризм – ундан огоҳ бўлинг!” ва бошқа мавзуларда кўчма кўргазмалар ташкил этиш, шиорлар тарқатиш;

– таълим муассасаларида “Энг яхши услубий қўлланма”, “Ёш ихтирочилар”, “Навоийхон талаба”, “Ноёб қобилият соҳиблари”, “Энг яхши созанда”, “Энг яхши хонанда” мавзуларида танловлар ўтказиш; “Универсиада”, “Баркамол авлод”, “Умид ниҳоллари”, “Сув париси” ва бошқа тадбирлар ўтказиш ёшларнинг фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан “Камолот” ЁИХ бошланғич ташкилотларида, шунингдек, талаба-ёшларни оила қуришга тайёрлаш мақсадида “Соғлом авлод тарбияси” мавзусида ота-оналар университети ташкил этиб, улар учун методик қўлланмалар яратиш назарда тутилади. “Келажак овози” танлови доирасида ёшлар фаоллари ва таниқли ижодкорлар билан учрашувлар ўтказиш, фото ва бадиий кўргазмалар ташкил этишга ҳам асосий эътиборни қаратиш лозим.

Талабаларни мустақил фикрлайдиган, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қарайдиган, ўзининг қатъий эътиқод ва қарашларига эга бўлган, миллий менталитетимизга ёт заарли таъсирларга қарши туришга қодир ёшларни тарбиялаш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни таъминлаш бўйича ҳамкор муассасалар билан биргаликда миллий менталитетимизга ёт заарли таъсирларга қарши тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш муҳим саналади.

Булардан ташқари таълим муассасаларида “Биз Ўзбекистон ёшларимиз”, “Шу азиз Ватан барчамизники” каби тадбирлар ўтказиш, ёшлар билан таниқли шоирлар, ёзувчилар, маданият арбобларининг учрашувларини ўюштириш, уларни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялашга доир тадбирлар ташкил этишни ҳам режалаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Ўқувчи-ёшларнинг ижодий иқтидори ва қобилиятини аниқлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари марказининг мавжуд компьютер ахборот банки негизида иқтидорли, истеъдодли ёшларнинг ягона миллий-ахборот базасини ташкил этишда олий таълим муассасаларининг фаол иштирок этишини таъминлаш учун «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказий компьютер тармоғига уланиш, иқтидорли талабалар базасини яратиш, талабаларда истеъдод ва интеллектуал салоҳиятни рўёбга чиқариш учун моддий ва маънавий жиҳатдан шароит яратиш; таълим муассасасида турли йўналишларда ижод қилаётган, ўз иқтидори ва истеъдодларини намоён эта олаётган талаба-ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, иқтидорли ёшлар учун оромгоҳларда тиббий, санитария-гигиена, таъминот ва эҳтиёткорлик чораларини кўриш; ёшлар орасидан истеъдодли, тиришқоқ ва изланувчан ўғил-қизларни “Ниҳол” республика мукофоти, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, “Янги авлод” ва “Келажак овози” танловларига тавсия этиш, уларни саралаш тизимини такомиллаштириш учун тарғибот-ташвиқот ишларини кенгайтириш; иқтидорли ёшлар билан ишлаш методик таъминотини яратиш; “Келажак овози” республика танловини ўтказиш, “Янги авлод” фестивалини ўтказиш ва кўргазмаларни ташкил этишда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг фаолиятини янада кенгайтириш; бу борада мамлакатимиз ва хорижнинг таниқли фан, маданият ва санъат намояндадари билан учрашувлар ўтказиш, мазкур танловлар ва фестивалларда истеъдодли ёшларнинг иштирок этишини таъминлаш, қобилиятли ёшлар орасида турли интеллектуал танловлар ўтказишни режалаштириш; инновацион грантлар ва хўжалик шартномалари асосида иқтидорли ёшларнинг илмий салоҳиятини иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари техник ва технологик муаммоларини ҳал қилиш жараёнларига жалб этиш; ёшларнинг илмий фаолият билан шуғулланишига бўлган қизиқишини ошириш, уларнинг қобилиятларини

аниқлашга йўналтирилган мониторинг олиб бориш шулар жумласидан. Талабаларни амалий, фундаментал ва инновацион лойиҳаларга жалб этиш, ёш олимлар фундаментал тадқиқотлари танловида талабаларнинг иштирокини таъминлаш орқали уларнинг илмий ишлар билан шуғулланишларини рағбатлантириш, ушбу тадбирларни амалга оширишда “Камолот” ЁИҲ, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси билан ҳамкорликда аспирант, докторант, ёш олимларнинг илмий ишларини Республика танловида иштирок этишини таъминлаш, истеъдодли, ижодкор талабаларнинг илмий-амалий анжуманлари доирасида Республика танлови иштирокчиси бўлишига эришиш, “Энг яхши услугий қўлланма”, “Ёш ихтирочи” танловларини ўтказишда ҳамкорлик қилиш муҳим саналади.

Ёшларни соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ёшлар спортини ривожлантиришда эса саломатлик маслаҳат марказлари ташкил этиш, соғлом турмуш тарзи ва соғлом оилани шакллантириш бўйича буклет, плакат, кўргазмали қўлланмалар нашр этиб, ёшларга тарқатиш; кашандалик, алкоголь ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа хавфли касалликларнинг олдини олиш бўйича мутахассисларнинг маъruzаларини ташкил этиш; ёшларнинг соғлом турмуш тарзини ташкил этиш бўйича тадбирлар белгилаш; уларнинг тиббий маданиятини ошириш бўйича дастур, қўлланма, тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш, жойларда соғлом турмуш тарзига багишланган видеоконференциялар ташкил этиш ҳам асосий вазифалардандир.

Таълим муассасаларида халқаро гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги муносабати билан “Биз гиёҳвандликка қаршимиз ва соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!” мавзусида туркум тадбирлар ташкил этиш; соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида гиёҳванд моддалар истеъмол этиш оқибатида юзага келадиган касалликлар профилактикаси бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш ҳам асосий масалалардан.

Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг ёзги дам олишини ташкил этиш ва соғлиғини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини белгилаш; Республика миқёсида талабаларнинг спорт мусобақаларида қатнашишларини таъминлаш, мустақиллик байрами муносабати билан турли спорт тадбирларини ташкил этиш, “Универсиада” дастурига киритилган спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этиш каби ишлар ҳам ўта муҳимдир.

III. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЁШЛАРНИ БАРКАМОЛ АВЛОД СИФАТИДА ТАРБИЯЛАШГА ҚЎШАЁТГАН ҲИССАСАСИ.

3.1. Ёшларнинг интелектуал салоҳиятини оширишда нодавлат-нотижорат ташкилотлар томонидан дастурлар ишлаб чиқилиши.

Ёшларни интелектуал салоҳиятини оширишда нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ўрни ҳозирги глобаллашув шароитида муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, мамлакатимизда фаолият юритаётган “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти ҳам.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати республикамиздаги энг йирик жамоат бирлашмаларидан бири сифатида мамлакат ёшларини хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни демократик тамойиллар, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида, маънан соғлом ва жисмонан бақувват

фуқаролар бўлиб вояга етишларида қўмаклашиш каби мақсадларни ўз олдига қўйган.

Ҳаракат кесимида **14 991** та бошланғич ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар **3 931 376** нафар 15-30 ёшдаги аъзоларни бирлаштирган. Ҳаракат қошидаги “Камалак” Болалар ташкилоти ҳозирда **2 млндан зиёд** 10-14 ёшдаги аъзоларга эгадир.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати тизимлари томонидан 2014 йил 9 ой давомида жами **25,2 мингта** тадбир ташкил этилиб, **9,1 млн** нафардан зиёд ёшлар қамрам олинди. Шундан, **6,7 мингтаси** ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, **8,3 мингтаси** маънавий-маърифий, **4,5 мингтаси** тадбиркорликни ривожлантириш, **1,3 таси** истеъододли ёшларни қўллаб-қувватлаш, **4,4 мингтаси** спорт ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш йўналишида ўтказилди.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ҳар йили Ўрта махсус қасб-хунар таълими тизими ўқувчи-ёшлари ўртасида “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танлови ўтказилиб борилади. Мазкур кўрик-танловнинг асосий мақсади республикамиз ёшлари ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш, жамиятда қонун устувор бўлишига эришиш, Республикаизда амалдаги қонунлар моҳиятини ўсиб келаётган ёш авлодга тушунтириш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда ёшларни иштирокини таъминлаш, Президентимиз Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ёшларда хурмат билан қараш туйғуларини тарбиялаш, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишдан иборат.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан 2007 йилдан бўён ёзги таътил мавсумида оромгоҳларга жалб этилмаган вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганларнинг хулқини ижобий

томонга ўзгартериш орқали профилактик хисобдан чиқаришга тавсия қилиш мақсадида тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилмоқда.

Оромгоҳ иштирокчилари учун маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш тадбирлари билан бир қаторда эко саёҳатларини ташкил этиш, уларда экологик маданиятни шакллантиришга қаратилган алоҳида давра сұхбатлари ўтказилди.

“Камолот” ЁИҲ ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш ва бандликни таъминлашга йўналтирилган лойихалари ёшларнинг чет элда иш излаб чиқиб кетишларини олдини олишда самарали бўлмоқда.

Мактаб битиравчиларини кейинги ўқув тизими билан таништириш ва йўналиш танлашларида кўмаклашиш мақсадида “**Мутахассислик – сенинг келажагинг**” кўргазмаси ташкил этиб келинмоқда.

Бундан ташқари юқорида қайд этилган кўргазмалар доирасида Мехнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда вақтинча ишсиз юрган ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида “**Бўш иш ўринлари**” ярмаркалари ташкил этилмоқда. Жорий йилда ташкил этилган ярмаркаларда **14 мингга яқин ёшларга ишга жойлашишга йўлланма беришга** эришилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 мартағи 07-07/1-185-сонли мажлис баёнига асосан ёшларнинг мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларга муносабатларини шакллантириш, уларда ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини тарбиялаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни “оммавий маданият”нинг турли ёт ғояларидан асраш, шунингдек, халқимиз, миллатимиз, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ҳудудларда иқтидорли ёшларнинг илм-фан

соҳаларида қўлга киритган ютуқларини рағбатлантириш ва уларнинг ўз ақл-заковати ва интеллектуал қобилиятини тўла намоён этишларига қўмаклашиш мақсадида “Биз буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остидаги ёшлар фестиваллари ўтказилмоқда.

Уларда **1 млн. 60 минг** нафардан зиёд ёшлар иштирок этиб, **1000 нафардан** зиёд иқтидор эгалари кашф этилди.

Фестивал лойиҳалари:

Фестивал ёшларнинг барча қатламлари қизиқишлигини инобатга олган ҳолда ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий йўналишда **13** та йирик лойиҳани ўз ичига олувчи, улардан тўрттаси бевосита санъат ва маданият ҳамда миллий эстрадамизнинг намояндлари билан амалга ошириладиган тадбирлардан иборат.

“Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти” тарғибот лойиҳаси. Ушбу лойиҳа доирасида “Оммавий маданият” ниқоби остидаги ёт ғояларнинг миллий менталитетимизга зид эканлигини, унинг асл мақсадларини ёшларга тушунтириш мақсадида **25** дан зиёд малакали психологлар ва педагоглар томонидан **130** дан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда.

“Депутат ва ёшлар” лойиҳаси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг **32** нафар сенатор ва депутатлари томонидан депутат ва сенаторлар иштироқида давра сұхбатлари ва учрашувлар тадбирлар ташкил этилиб борилмоқда.

Шунингдек, Фестивалда Президентимизнинг “Мустақилликга эришиш остонасида” асари мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида кенг ташвиқ қилиш мақсадида “Концепция – тараққиёт кафолати” мавзуида тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этилмоқда.

“Президент асарлари билимдони” лойиҳаси. Ёшларга Президент асарлари ва “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”нинг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида **40 дан ортиқ** сиёсатшунос олимлар ва педагоглар иштирокида **100 га** яқин тадбирлар ташкил этилмоқда.

“Ҳоким ва ёшлар” лойиҳаси. Ёшларнинг турли муаммолари ечиш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимларининг ёшлар билан учрашувлари ташкил этилади.

